БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 20 сентябрь Пайшанба

№ 179 (13.615).

Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Комсомол: кеча, бугун, эртага

УЛАР ИШЛАШЯПТИ

— Мактабни 1988 йил тугатганман. Шундан буён уйда бўш ўтирибман. Ишга жойлашишга ёрдам берингиз...

Муроджон қиз билан батафсил гаплашиб олдида, сўнгра қаергадир телефон қилди. Ишнинг дараги чиқди шекилли, қизга керакли ташкилотни айтиб, тезроқ боришини тайинлади.

Қиз иш бунча тез ҳал бўлишини кутмаган эди, қайта-қайта раҳмат айтиб, хурсанд ҳолда чиқиб кетди.

Тўрткўл ноҳия комсомол қўмитасида кўрган бу манзара мени ҳам хурсанд қилганди.

Аввало ёшлар дарду-қувончларига шерик истаб, комсомолга мурожаат қилишларининг ўзи қувончли. Ёшлар ҳали комсомолдан мадад кутар экан, демак, унга билдирилган ишонч бу.

Орол минтақаси ноҳияларидан бири — Тўрткўлда 120 мингга яқин аҳоли яшайди. Бу ердаги экологик вазиятдан ҳатто бутун дунё воқиф. Устига-устак маҳаллий шароит муаммолари ҳам одамларни қийнаб қўймоқда. Биргина ишсизликнинг ўзи қанчадан-қанча нохуш оқибатларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, ёшларнинг ҳаётда бўш қолишлари нафақат бугунга, балки келажакка ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Ноҳияда қатор қурилиш объектлари, саноат моллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари мавжуд. Ишчи кучи етишмаслиги ёки қўнимсизлиги талай муваффақиятсизликларга сабаб бўлмоқда. Шундай экан, барча ташкилот, корхоналар ўртасидаги вазиятни ўрганиб, бу муаммоларни бартараф этиш учун кимдир ташаббусни қўлга олиши керакмиди? Комсомол қўмитаси ана шу масалада ёшларга яқиндан мададкор бўлишга қарор қилди ва улар орасида кенг кўламли ишлар олиб бораётир. 1989—1990 йилларда комсомол қўмитаси ёрдами билан 200 га яқин йигит-қизни ишга жойлаштирди.

— Ҳозирги кунда ноҳияда ишламай юрган ёшлар сони 1000 дан ошади. Буларнинг 70 фоизи хотин-қизлар. Жойлардаги бошланғич комсомол ташкилотлари ва ишга жойлаштириш бюролари ташаббуси билан касаначилик ва қўшимча цехлар ташкил қилинмоқда, — дейди ноҳия комсомол қўмитаси ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ечиш ва ёшлар ташаббуслари бўлими мудири Муроджон Каримов. — Бунга «Совет Ўзбекистони» ва Дмитров номли хўжаликларни мисол қилиш мумкин.

Шунингдек, комсомол қўмитаси қошидаги «Орзу» ёшлар маркази ҳам кўп хайрли ишларга қўл урди. Бу марказда 60 дан ошиқ йигит-қиз меҳнат қилмоқда. Ёшлар марказида гиламчилик цехи ва қурилиш бригадалари мавжуд. Афғонистонда ҳалок бўлган 9 нафар байналмилалчи-жангчига ёдгорлик қуришни ҳам ёшлар маркази ўз зиммасига олган.

Ноҳия ҳудуди кун сайин кенгайиб бормоқда. Чеккаларда янги-янги уйлар тушиб, катта даҳалар ҳосил бўлаётир. Бу ерларга ёш оилалар кўчиб ўтишмоқда. Болалар ва ўсмирлар ниҳоятда кўпчиликни ташкил қилади. Ота-оналари ишда, болаларнинг эса бекорчи вақтлари кўп.

Ўсмирларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил қилиш учун бирор чора кўриш зарур эди. Қўмита шундай жойларда ўсмирлар клуби ташкил қилишни режалаштирди. Клубни керакли анжомлар билан жиҳозлагач, бу ерда турли тўгараклар ишлаб туриши лозим эди.

Бундай ташаббус барчага маъқул бўлди. Ҳам ота-оналар хурсанд, ҳамда болалар ўзлари овунадиган машғулот топишди. Уларнинг келажакда ҳунарга, меҳнатга ўрганиб боришларида ҳам бу жуда қўл келарди. Спорт ўйинлари, турли қизиқарли кўриклар орқали маҳаллаларда миллий урф-анъаналар тарғиб қилиш ёшлар тарбиясида жуда катта аҳамият касб этади.

— Ёшлар дарди билан яшаб, улар ҳаётида озми-кўпми яхшиликлар ярата олсак, демак, меҳнат қилаётганимиз рост бўларди, — дейди комсомол қўмитасининг биринчи котиби Қулмуҳаммад Қиличев.

...Тўғри, ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Сарфланган вақт, елиб-югуришлар бошқалар — айниқса, ёшлар учун бирор наф келтирмас экан, у ҳаракатлар беҳуда. Тўрткўл ноҳия комсомол қўмитасида ишлар ҳар қалай кўзга ташланиб турибди. Демак, улар ишлашяпти.

М. ҚУРБОННИЕЗОВА.

«Ҳосил—90»

Жумҳурият далаларида

МЕХАНИЗАТОРЛАР СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШИШМОҚДА

«МОСКВА» давлат хўжалигида машиналар ишга туширилганидан кейин пахта тайёрлаш суръатининг кунлик ўсиши бир йўла уч фоиздан кўпроқ ошди. Энди жамоа давлат хирмонига ҳар куни йиллик планнинг 5,5 фоизи миқдорида пахта топширмоқда.

Пахта терадиган 30 та машинанинг ҳаммаси далага чиқди. Улар ёрдамида далалардан 2900 тонна пахта териб олишни мўлжаллашмоқда. Янги мажбуриятда эса давлатга камида 4 минг тонна «оқ олтин» топшириш кўзда тутилган, шундан 1100 тоннаси планга қўшимча равишда топширилади.

Элликқалъа ноҳиясидаги «Қирққизобод» жамоа хўжалиги, «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» ва «Қорақалпоғистон МЖ 50 йиллиги» давлат хўжаликлари меҳнаткашлари ҳам оммавий пахта теримига киришдилар. Ноҳиядаги мавжуд 270 та пахта териш агрегатининг 200 тадан кўпроғи ишга солинди.

Механизаторлар орасида ҳозирнинг ўзидаёқ пешқадамлар маълум бўлди, уларнинг кунлик иш унуми 12 тоннага етди. Булар «Москва» давлат хўжалигидан А. Сатимов билан «Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» номли давлат хўжалигидан М. Оқназаровлардир. Улар мавсум бошидан буён ўз машиналари билан 110 тоннадан пахта тердилар.

МАШИНАЛАРГА ТАЯНИБ

«САВАЙ» давлат хўжалигида терим мавсумини биринчи бўлиб механизаторлар Ш. Носиров билан М. Шамсутдинов бошлаб беришди. Бу ерда ҳеч қачон машиналар далага бу қадар барвақт олиб чиқилмаган эди.

Об-ҳаво вилоятнинг шимолий иқлим зонасида жойлашган хўжалик жамоаси учун кўпинча ноқулайликлар келтирарди. Деҳқонлар бундан яхши хулоса чиқариб олдилар. Бу йил улар ҳосилни эрта етиштириш учун тер тўкиб меҳнат қилдилар. Албатта, бу йилги қулай об-ҳаво шароити ҳам катта роль ўйнади, лекин асосийси, ҳар қалай, агротехника қоидаларига қатъий амал қилиш бўлди. Пудратчилар бу қоидаларга рисоладагидек амал қилдилар.

Андижон вилояти.

УРУҒЛИК — ДЕМАК, ЭНГ ЯХШИ

ХОНҚА ноҳиясидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг П. Каримова бошлиқ бригадасида пахтани тайёрлаш пунктига топширишдан олдин саралаш йўлга қўйилди.

Гап шундаки, жамоа юз гектардан кўпроқ майдоннинг ҳаммасида уруғлик пахта етиштиради. Шу сабабли уларга қўйиладиган талаблар ҳам қаттиқ. Бригада бошлиғи ва унинг икки ёрдамчиси — энг тажрибали теримчилар Г. Рўзметова билан Г. Бекчоновалар терилган пахтани ҳар иш кунидан кейин оқшомда диққат билан кўздан кечирадилар. Агар хом пахта кўзга ташланса, бу хатога йўл қўйган теримчининг бутун пахтаси қабул қилинмасдан, қуритишга жўнатилади. Кейин у топширилади, лекин энди уруғлик пахта сифатида эмас, балки саноат нави сифатида ўтказилади.

«МАЙДА-ЧУЙДАЛАР»НИ НАЗАРГА ИЛИШМАДИ

ҒУЗОР ноҳиясидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигида пахта теримида меҳнатни ташкил қилиш борасида камчиликлар борлиги аниқланди. Бу ерда теримчиларга бир килограмм пахта учун тўланадиган ҳақни беш тийин камайтириб (20 тийиндан) беришаётган экан. Хўжалик эса камбағал хўжаликлардан эмас. Лекин жумҳурият ҳукуматининг фармойиши, чамаси, унинг раҳбарларига ўтмайди, шекилли.

Шу ноҳиядаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги ва Ленин номли давлат хўжалиги раҳбарлари ҳам теримчиларга пахта учун шунчадан ҳақ тўлашмоқда. Ваҳоланки, шу хўжаликларнинг ҳаммаси хилма-хил назорат қилувчи ташкилотлар билан тўлиб-тошган ноҳия маркази яқинида жойлашган.

Ҳукуматнинг пахта терувчилар меҳнати учун тўланадиган ҳақни ошириш тўғрисидаги қарори қўриқ ўлканинг бошқа жойларида ҳам бажарилмаяпти. Ҳолбуки, бу қарор қишлоқ аҳлини ҳосил теримидан моддий жиҳатдан манфаатдор қилиш, уларнинг моддий фаровонлигини яхшилаш учун қабул қилинган. Ҳозир вилоятдаги қишлоқ аҳлидан қарийб юз минг киши пахтани қўл билан териб олишда иштирок этмаётганлигининг сабаби шунда эмасмикин?

Гарчи пахта бу йил илгаригига нисбатан анча эртароқ пишиб етилган бўлса-да, ғўза баргини тўктиришнинг энг қулай муддатлари ўтиб кетаяпти. Демак, бу ерда ҳам пахтакорларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга эътибор берилмаган. Бўлмаса, бу ишда 500 га яқин машина иштирок этмаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин.

В. ШУМАЙЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.






Ҳар қалай пахтакорнинг қаварган елкаси қуёш кўргандек бўляпти. Одам нима учун ишлайди? Яхши яшаш учун-да, албатта! Кўзимиз энди-энди очилиб, ниҳоят мана шу ҳақиқатни тан оляпмиз.

Боғот ноҳиясининг «Боғот» давлат хўжалигида 750 гектар ерга чигит қадалганди. Ўтган йилгидек бу йил ҳам ҳосил маромида. Бу ноҳия деҳқонларининг қаттиқ ва узоқ меҳнат маҳсули эканлигини таъкидлаш жоиз. Пахтакорларга эътибор берилаётгани етиштирилган ҳосилни тез йиғиштириб олишда қўл келяпти. 3000 тоннага яқин хом ашёни давлатга сотиш кўзда тутилмоқда.

Сиз кўриб турган суратлар Ўзбекистон халқ депутати Қедир Оллаберганов бошлиқ бригада далаларида олинган: (пастда) машиналар далада; (ўнгда) механизатор Қаландар Ҳамроев; (юқорида) хўжалик раҳбари Аҳмад Ҳасанов ва бригадир Қ. Оллаберганов.

Суратчи В. МОЛГАЧЕВ



ЭҲМНИ... ИШГА ОЛИШДИ

Иккита электрон-ҳисоблаш машинасидан фойдаланиш натижасида илгари газламани бичишда банд бўлган ҳисобчи ходималар сонини икки баравар қисқартиришга имконият туғилди. Охунбобоев номли Қўқон тикувчилик фабрикасининг тайёрлов цехида ана шу машиналар ишга туширилди. Электрон-ҳисоблаш машиналари бундан ташқари ҳар йили 30 минг пагон метр турли газламаларни тежаб қолишга ёрдам беради, улардан эркакларнинг ўн тўрт минг дона хушбичим кўйлакларини тикиш мумкин.

Бундай «ақлли машиналарни» Тошкент политехника институтининг мутахассислари ўрнатиб, одамларни унда ишлашга ўргатишди. Электроникани ишлаб чиқаришга жорий этишга сарфланган барча харажатлар бир йил ичида қопланади.

Корхонада бу йил яна битта техника янгилиги жорий этилди: еттита цех ва хизмат хоналарига фабрика телевидениеси ўрнатилди, бу маъмуриятга тикувчиларнинг меҳнатини ташкил этишга тезроқ раҳбарлик қилиш, ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат ўрнатиш ва унга тузатишлар киритиш имконини берди.

ШАҲРИСАБЗ «САЛЮТ»И

Жумҳурият Маҳаллий саноат вазирлигининг Шаҳрисабз мебель фабрикасида «Салют» деб аталган ёшларнинг ашёлари ишлаб чиқарила бошланди. Бу ашёлар учта жавондан иборат. Нархи ҳам қиммат эмас, у шу жиҳати билан харидорларни ўзига жалб қилмоқда. Ёғочсозлик материаллари мунтазам равишда етказиб берилса, у ҳар йили бундай маҳсулотдан мингта тайёрлаши мумкин.

Яқин-яқингача Шаҳрисабз мебелчиларининг маҳсулоти жуда жўн, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши даражасида эди. Корхона реконструкция қилинганидан кейин кўп нарса ўзгарди. Бу ерда Москва, Белоруссия ва Украина заводларида тайёрланган замонавий технология ускуналари ўрнатилди. Германия Федератив Жумҳуриятидан келтирилган дастгоҳлар ҳам бор. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш натижасида сайқал берилган мебелларни ҳам тайёрлаш учун имконият пайдо бўлди.

Маҳсулот хиллари кўпайтирилганлиги сабабли Шаҳрисабз мебелчиларининг маҳсулотига бўлган эҳтиёж кескин ортди. Илгари чорак миллион сўмлик буюртма олинган бўлса, ҳозир улар сони тўрт баравар кўпайиб кетди.

Шу сонга хабар

Қардошлик ва эзгулик ғоялари

Муҳаддис ва мутафаккир ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Имом ат-Термизий маънавий мероси ва ҳозирги замон» халқаро анжуманининг иштирокчилари унинг якунларини мусулмон дини тарихини тушунишда олға ташланган катта қадам деб баҳоладилар. Улар бу фикрни журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувда билдирдилар.

Анжуманга 16 мусулмон мамлакати ўз делегацияларини юборди. Унда халқаро ташкилотлар — жаҳон Ислом уюшмаси, жаҳон Ислом конгресси, Ислом даъвати ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари ҳам иштирок этишди.

«Мусулмонлар улар қайси мамлакатда яшашларидан қатъи назар, биродарлик муносабатлари, ўзаро ёрдам бериш ҳамиша уларга хос фазилат бўлган. Ўзбекистон мусулмонлари ҳозирги пайтда бошқа мамлакатлардаги мўмин-мусулмонлар билан айни шундай муносабатдадирлар», — деди Тунис Дин ишлари вазирлигининг вакили Муҳаммад Салоҳиддин. У буни оддий одамлар билан учрашувлардагина эмас, шу билан бирга Ўзбекистон ҳукуматига раҳбарлик қилаётган Ш. Р. Мирсаидов билан суҳбат чоғида ҳам аниқ ҳис этганлигини таъкидлади. Суҳбат чоғида биродарлашган шаҳарлар дўстлиги, Тунис мутахассисларининг Ўзбекистондаги бир қанча тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ва реконструкциялашдаги ёрдами, мадрасалар талабалари гуруҳларини бир-бирларининг мамлакатларига юбориш каби ҳамкорликнинг аниқ шаклларини ҳар икки томон маъқуллади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси раисининг ўринбосари З. Қодиров, чет эл делегацияларининг журналистлар ҳузурида сўзлаган раҳбарлари анжуманга якун ясаб, мунозараларнинг мазмунли бўлганини, бутун учрашувнинг юксак самара билан ўтганини таъкидладилар. Улар ана шундай анжуманларни мунтазам равишда ўтказиб туриш керак, деб истак билдирдилар. Бу истак якуний ҳужжатда қайд этилди.

Журналистлар билан учрашувда уларнинг кўплаб саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

(ЎзТАГ).

Янгиланиш йўлидан

ДУШАНБЕ. (СИТА мухбири С. Эргашев). Тожикистон комсомолининг XXV съезди ўз дастури ва Уставини қабул қилиш билан ўз ишини тугаллади. Бундай ҳужжатлар унинг тарихида илк бор қабул қилинди. Съездда ушбу ёшлар оммавий ташкилоти фаолиятининг барча томонларини янгилаш дастури ишлаб чиқилди.

Тожикистон комсомоли анжуманига бир қанча шаҳар комсомол ташкилотлари тақдим этган дастур ва Уставнинг бир неча муқобил лойиҳаси муҳокама қилиш учун тақдим этилди. Дастурнинг қизғин бандлари — давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан кейин ёшлар ташкилотларининг жумҳурият иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий турмушидаги иштироки, миллатлараро муносабатлар муаммолари, армиядаги комсомолларнинг турмуши ва фаолияти хусусидаги бандлар теварагида қизғин мунозаралар борди.

— Жумҳурият комсомоли ёшлар орасида якка ҳоким бўлишга даъвогарлик қилаётгани йўқ, — деди бевосита очиқ овоз бериш йўли билан Тожикистон ЛКЕИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланган Н. Қурбонов. — Биз норасмий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ҳамкорлик қилишни ёқлаяпмиз. Марказий Қўмита аппаратининг тузилишига анча ўзгартишлар киритилади, унинг вазифалари қайта кўриб чиқилади.

Съездда КПСС Марказий Қўмита Сиёсий бюросининг аъзоси, Тожикистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, жумҳурият Олий Шўросининг Раиси Қ. М. Маҳкамов нутқ сўзлади.

Уч эгизак

Ҳамма онагаям насиб қилавермайди. Бира-тўла уч эгизак кўриш. Шу боисдан ҳам Юлия Плотницкая ва Наримон Аджиумировларнинг хонадонларида шодлик. Ахир улар уч эгизак кўришди.

Икки тўнғич қизнинг вазни 1600 граммдан, Кичиги эса 1400 грамм. Гўдакларни ўша заҳотиёқ жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли педиатрия илмий-текшириш институтига келтиришди. Ўша заҳотиёқ уч опа-сингилга тиббий ёрдам кўрсатилди. Гўдаклар бўлимга ётқизилганда анча нимжон эди. Айниқса, кичкинаси. Уни найча орқали овқатлантиришга тўғри келди. Гўдаклар бир ярим ойдан зиёд доимий назоратда бўлдилар. Шифокорларнинг кўрсатган тиббий муолажаларидан сўнг уч опа-сингил ўзини яхши ҳис этмоқдалар. Шу ҳафта чақалоқлар ота хонадонига жўнатилди.



СУРАТДА: эгизакларга ғамхўрлик.

Р. ШАГАЕВ (ЎзТАГ суратга олган).

Оржоникидзе ноҳияси.

Бангихона фош этилди

Жумҳурият Давлат хавфсизлиги қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги матбуот шўъбасининг хабар қилишича, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармасининг ва Ўзбекистон ССЖ Давлат хавфсизлиги қўмитасининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимлари ходимлари биргаликда ўтказган оператив-қидирув тадбирлари натижасида Тошкентдаги бангихона фош этилди ва тугатилди. Чилонзор ноҳиясида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган аёл Т. нинг уйи шундай бангихонага айлантирилганлиги аниқланди. Тошкентлик, илгари қароқчилик қилгани учун судланган 25 ёшли Х. ва Тбилиси шаҳрида прописка қилинган, илгари судланган, ҳеч қаерда ишламайдиган 21 ёшли П. шу ерда қорадори истеъмол қилаётганларида қўлга олиндилар.

Қўлга олиш чоғида бангихонада улардан ташқари бошқа ёшлар, шу жумладан, балоғат ёшига тўлмаганлар ҳам бор эди. Тинтув ўтказилганда уйдан ва қўлга олинганлар чўнтагидан катта миқдорда қорадори, шприцлар ва бошқа нарсалар топилди.

Шу куннинг ўзидаёқ қорадори етказиб берувчи одам ҳам ушланди. Бу «қонундаги ўғри» деб аталадиган ўта хавфли жиноятчи, азалий банги 40 ёшли Ц. бўлиб чиқди. Унинг ўзи ва уйи тинтилганида ҳам катта миқдордаги қорадори топилди.

Қўлга олиш вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига қаршилик кўрсатилди. Ҳодиса юзасидан жиноий иш қўзғатилди, тергов олиб борилмоқда.

Мавзуга қайтиб

Редакция қутисига ҳар куни ўнлаб, юзлаб хатлар келади. Улар мавзуси хилма-хил. Бироқ қўлимиздаги мана бу мактуб бошқаларига ўхшамайди. У рўзномамизда шу йилнинг 7 август сонида («Бунёдкор талаба» № 6 (169)) «Танқид ҳаққоний бўлсин» сарлавҳаси остида эълон қилинган мақола юзасидан ёзилган. Мазкур мактуб талабалар отрядлари ҳамда ўқувчилар меҳнат бирлашмалари жумҳурият штабини ҳам қизиқтириб қўйди.

Биз масалага холис ёндашиш ниятида ҳар иккала мақолани ҳам муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқдамиз.

ЭЪТИРОЗГА ЭЪТИРОЗ

Рўзноманинг шу йил 7 август сонида ёритилган «Танқид ҳаққоний бўлсин» сарлавҳали мақолани ўқиб, негадир кулгим қистади. Нимага десангиз «Бизни ўйлантираётган муаммолар» ойнасўзи остида «Хас кема бўлолмайди» сарлавҳаси билан кетган ўша эшиттириш ҳеч қандай танқид бўлмасдан, ҳаётни кузатиб келаётган оддий бир қаламкаш сифатида анчадан бери юрагимда тугун бўлиб турган бир армон юзасидан шахсий мулоҳазаларимни ўртоқлашиш нияти эди, холос. Зўрма-зўраки «байналмилалчилик» шиори остида юртдошларимизнинг Россиянинг Ноқоратупроқ зонасига ва хувиллаб қолган бошқа жойларига ихтиёрий, баъзан эса мажбурий ишлаб келиш учун кўчириш оқибатлари, олисларда вафот қилиб «жаннат»га учиб кўлларининг у ерларда тортган жабру-жафолари мавзу қилиб олинган (бу ҳақда жумҳурият матбуотида бир қанча материаллар босилди), ўша эшиттириш тайёрланишига шу йил баҳор охирларида Наманган вилоятида юз берган ғалати югур-югур ва унга талабалар отрядлари вилоят штаби бошчилик қилаётгани туртки бўлган эди. Унинг тафсилоти қуйидагича:

Архангельск (?) вилоятидан жамоа ва давлат хўжаликлари далаларида битган ҳосилни йиғиштириб олиш учун мактаб ўқувчиларидан 500 нафар сўраб илтимоснома келди. Қўшни вилоятлар бу таклифга унамаганликлари ҳолда вилоят талабалар отрядлари штаби «байналмилалчилик руҳига содиқ қолиб» мислсиз «жонбозлик» кўрсатди. Ҳатто, 400 нафар она сути оғзидан кетмаган гўдак учун патта ҳам олиб қўйди. Яхшики, халқимиз бахтига давр ўзгариб бормоқда. «Юқоридан айтилган топшириқни бажариб катталарга яхши кўринишни эмас, юртнинг эртанги кунини, эл фарзандлари тақдирини ўйлайдиган раҳбарлар юзага келмоқда. Ахир олисдаги зах ўлкаларга ишга бориб касалланиб, шикастланиб, бир умрга ногирон бўлиб қайтаётган ўғил-қизларимиз озми? Ёки бунга мисоллар керакми? Шуларни мулоҳаза қилган жумҳурият Халқ таълими вазирлиги Наманган талабалар отрядлари вилоят штабининг мактаб ўқувчиларини Россияга жўнатиш юзасидан ташаббусига қўшилмади. Натижада тўйдан олдин ноғора чалган штаб темир йўлга олдиндан харид қилинган патта учун 800 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди. Бу ерда мен ўша эшиттиришда фойдаланилган маълумотлардан биттасинигина келтирдим холос. Чуқурроқ ўрганиб кўрсам, штаб аслида талабалар ва ўқувчиларни ҳар йили Россия каби узоқ ўлкаларга жўнатиш эвазига келадиган маблағ ҳисобига фаолият кўрсатар, унинг фаоллари эса шу ҳисобга бола-чақа боқишар экан.

Алишербек мени кечирсин, лекин суҳбатлашиб кўрганимда радиоэшиттиришни ўз қулоғи билан тингламаганлигига юз бор ишондим. Шу боисдан амалдан узр сўраганим ҳолда менинг олдимга ким юборганлигини билмоқчи бўлдим.

Алишербекнинг эътирози турғунлик йилларининг сийқаси чиққан «байналмилалчиликка садоқат», «қолаверса, ёшлар ҳар йили юрт кўришларди», «рус тилини ўрганишарди», «пул ишлаб келишарди» жумлаларини қайтаришдан нарига ўтмади.

— Сизнингча, бораётганларнинг ҳаммаси юрт кўриб, пул ишлаб келишаётганмикан, ахир замон нотинч бўлиб турган бир пайтда. Сиз ҳойнаҳой комсомол аъзосисиз, «Ёш ленинчи»ни ўқиясизми? 21 июль сонидаги «Отряд қайтиб келди. Нега?» сарлавҳали мақолани ўқидингизми? — деб савол беришга мажбур бўлдим. Ҳурматли редакциямиз мени кечирсину, укамиз Алишербек бу ва шу сингари мақолалардан, умуман бехабар экан. Киприкларини пирпиратишдан нарига ўтмади.

26 йиллик журналистлик фаолиятимда танқид сариёғ эмаслигига кўп бор ишонч ҳосил қилганман. Шунинг учун мухбирнинг нони қаттиқ: уни ейиш учун темирдан тиш, пўлатдан жағ керак деганлар ҳақ. Вилоят штабидаги ҳозирдан осонгина мўмай даромад топиш куйига тушган раҳбар укаларимизнинг дўстона айтилган мулоҳаза учун ёш бўла туриб кимларнингдир қўли билан ўч олиш, «қарши зарба» бериш йўлига ўтишларининг зарурати нимада экан? Ахир фирқа бошлаган ошкоралик, қайта қуриш сиёсати, жумҳуриятимиз мавқеини қайта тиклаш, ўзлигимизни таниш, ниятларимизнинг рўёбга чиқиши кўп жиҳатдан улар куч-ғайратига, ҳалол ва пок ҳаёт кечиришларига, ҳақиқат кўзига тик боқишларига боғлиқ-ку!

Мен бир нарсадан афсусландим. «Хас кема бўлолмайди» мақоласини аслида «Ёш ленинчи»га юборсам бўларкан. Рўзномада ёритилган материал тахламларда абадий сақланиб қолади. Радиода эса эфирга кетгач, уни бошқалар эшитмаганликларидан фойдаланиб, ҳар куйга солиш мумкин. Алишербек укамизнинг имзоси билан иш қилмоқчи бўлганлар шундан фойдаланиб қолмоқчи бўлишган чоғи. Ҳолбуки, радио эшиттиришда штабнинг талабалар ёзги таътилларини ёки улар тили билан ифодалаганда, «меҳнат семестрини» ўташи масаласига фақат бир томонлама ёндошилганлиги, РСФСРнинг узоқ минтақаларига жўнатиш билангина шуғулланишаётганлиги юзасидан мулоҳаза билдирилган. Штаб командири Анваржон Насриддиновнинг менга маълум қилишича, 1990 йилда четда ишлаб келиш учун 60 та отряд тузилган, жумладан, шундан Астрахань вилоятига 905, Курган вилоятига 100, Витебск вилоятига 90, Ленинград шаҳрига 26 йигит-қиз жўнаши керак эди. Лекин ҳамма ҳам штабдаги ўртоқлар сингари ном чиқаришнигина кўзлаб иш юритмас экан. Эртанги кунни, жўнаб кетаётганлар тақдирини ўйлаганлар, бугунги миллатлараро можаролардан тўғри хавотирланганлар («Отряд қайтиб келди. Нега?») мулоҳазаси туфайли вилоят штабидагиларнинг турғунлик йилларига хос сунъий «ватанпарварлиги» маъқулланмади. Хуллас, штаб бу йил олисдаги буюртмачилардан жўнатилаётган ҳар бир талаба учун келадиган 35 сўмлик нақд пулдан маҳрум бўлди. Бу пулнинг 10 сўми тайёргарлик ишларига сарфланиб, қолган 25 сўми штабнинг жорий ҳисобига қоларди. А. Насриддиновнинг куйиниб айтишича, РСФСРга боришлиги кўзда тутилган 900 йигит-қиз эвазига қанчадан-қанча пул тўпланарди? Уларни ғоят безовта қилган омил мана шунда! Ўтган йил шу йўл билан 80 минг сўм маблағ тўпланган. Унинг нақд 35 минг сўми штаб ходимлари, Алишербек каби жамоатчи фаоллар ўртасида маош ва бошқа йўллар билан бўлиб олинган. Далада эртадан-кечгача тиним билмай ишлаётган колхозчи 80-100 сўм иш ҳақи олаётгани ҳолда штаб бошлиғи маошининг ўзи 300 сўм. (Мукофот пулини бунга қўшмадик). Шуларни ўйлайсану аслида штабнинг кераги борми, ўзи дейсан. Ахир, Анваржон сингарилар Россиядаги қолоқ хўжаликларга қанчалик жон куйдириб ёрдамлашганликлари билан (ўзгаларнинг қўли билан албатта) қани энди у ердагилар бирон марта ёғинсочинда қолган пахтамизни йиғиштириб олишга кўмаклашган бўлса!

Ҳа, биз шу пайтгача кўп масалаларга енгил-елпи қараб шу аҳволга етиб келдик. Ўзлигимизни йўқотдик, миллий ғуруримиз топталди. Миллий меросларимизни оёқости қилаётганларга қуллуқ қилдик. Айримлар бир сўм фойда учун эртага буғдойзорга айланадиган, бизни боқадиган арпадан кўра узоқнинг қуйруғини афзал билдилар. Анваржон Насриддиновдек ёшгина бўлатуриб бир столни ўн йиллаб банд этиб, бу тўғрида мулоҳаза юритганларга турли йўллар билан зарба беришга уриндилар. Донолар ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир, деганлар. Матбуотда чиқмоқчи бўлган одамга ҳам бу ўгит таалluқлидир.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
Наманган вилояти касаба уюшмалари қўмитаси матбуот маркази раҳбари, СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ТАЛАБАЛАР ОТРЯДЛАРИ
ҲАМДА ЎҚУВЧИЛАР
МЕҲНАТ
БИРЛАШМАЛАРИ
ЖУМҲУРИЯТ ШТАБИ
САҲИФАСИ

БУНЁДКОР ТАЛАБА

№ 9 (172)

ЁЗНИ КИМ ҚАНДАЙ ЎТКАЗДИ?

Меҳнат семестри тугади. Толиблар машғулотларга қайтишди. Илк якунларни чиқарадиган палла келди.

Ишлар жойида, деб аташ мумкин бўлган вазиятлар таҳлилига ҳали улгурамиз. Бироқ норозилик туғдирган ҳар бир воқеа муфассал таҳлил этилиши керак — ким айбдор? Кимлар толиблар ёзини абгор қилди?

Жангчиларга танлаш ҳуқуқи берилди. Талабалар отрядлари штабларидан, ўқув юртлари комсомол қўмиталаридан фақат бир нарса — жумҳуриятдан ташқарига чиқадиган отрядларни кўнгиллилардан тузиш, уларни режалаштираётган иш учун асқотадиган касбга пухта ўргатиш, талабалар отрядлари жойлаштириладиган масканни ҳар томонлама текшириш талаб қилинди, холос. Афсуски, учинчи семестрни тантанали очиш насиб этмади. Байрам бўлмади. Негаки, бир неча юз шартнома бузилди (бунда талабаларнинг ҳеч бир айби йўқ), иш жойига 6 мингдан зиёд жангчи етиб бормади.

Нақ бир неча кун ичида янги талабалар отрядлари тузилди. Улар, табиийки, зарур малакага эга эмас эдилар. Ташкилотлар билан тузилган шартномалар ошиғич бекор қилинди, темир йўл ва тайёра чипталари қайтариб топширилди, тайёр структура чок-чокидан сўкилди. Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби, жумҳурият халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим вазирлари тасарруфларида бўлган муассасаларга Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 22 майда чиқарилган «1989-1990 йилларда Ўзбекистон ССЖ Олий ва ўрта махсус билим юртларида талабалар отрядларини янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра уларга ёрдам кўрсатиш, талабалар отрядларида, айниқса жумҳуриятдан ташқарига чиқаётган отрядларга ёзилган йигит-қизларга шарт-шароитларни яратиш устидан назоратни кучайтириш қайта-қайта эслатилганлигига қарамай, шундай ҳол юз берди.

Юзага келган вазият «калит»и, аксарият ҳолларда бўлгани каби узун-қулоқ гаплардан фойдаланувчи ва тарқатувчи кишилар қўлида бўлди. Улар бу миш-мишларни талабалар отрядлари ҳаракатини обрўсизлантиришга хизмат қилдираётганлари, айниқса, ачинарли. Яқинда шундай руҳда ёзилган хатлардан бирини «Ёш ленинчи» рўзномасига Наманган вилояти касаба уюшмалари қўмитаси матбуот маркази раҳбари, СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Обиджон Жуманазаров йўллади. Муаллиф байналмилалчилик тушунчалари устидан истеҳзоли кулиб, умуман мавжуд бўлмаган ёки бузилган, тескари маъно касб этган рақамлар келтириб, ўзига хос урғу билан бутун талабалар ҳаракатини йўққа чиқармоқчи бўлади.

«Архангельск вилоятидан жамоа ва давлат хўжаликлари далаларида битган ҳосилни йиғиштириб олиш учун мактаб ўқувчиларидан 500 нафар сўраб илтимоснома келди, — деб ёзади у. — Қўшни вилоятлар бу таклифга унамаганликлари ҳолда вилоят талабалар отрядлари штаби «байналмилалчилик руҳига содиқ қолиб» мислсиз «жонбозлик» кўрсатди. Ҳатто 400 нафар она сути оғзидан кетмаган гўдак учун патта ҳам олиб қўйди».

Авваламбор, талабалар отрядлари Наманган штаби ҳеч қачон Архангельск билан ҳеч қандай алоқада бўлмаган. Эҳтимол бу хат Обиджон ака етакчилик қилаётган вилоят касаба уюшмалари қўмитаси матбуот марказига келгандир. У ҳолда талабалар отрядлари штабининг айби нимада?

Бир ёлғон албатта бошқа ёлғонни етаклаб келади. Гап шундаки, юқорида қайд этилганидек, вилоят штаби ҳақиқатан ҳам ўқувчилар учун билет сотиб олган, лекин у 400 та эмас, 130 та эди. Архангельскка эмас, Астраханга эди. Йил бошидаёқ ўқувчиларнинг ёзги сайёр меҳнат бирлашмаларини ташкил этиб, Астрахандаги хўжаликлар билан битим тузилганди.

Дарҳақиқат, билетларни қайтиб топширишга тўғри келди. Халқ таълими вилоят бошқармасининг айби билан талабалар отрядлари штаби 65 сўм йўқотди (нима учундир муаллиф 800 сўм дебди). Дарвоқе, ёзги сайёр меҳнат бирлашмалари болалар ва уларнинг ота-оналари ўртасида анчайин машҳур. Бу йил бундай бирлашмалар бекор қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси ва талабалар отрядлари жумҳурият штаби кўплаб ёзма ва оғзаки норозилик сўзларни эшитди. Шундай илтимос билан Бекободдан келган хатга 59-ота-она имзо чекканини айтишнинг ўзи кифоя бўлса керак.

«Ахир олисдаги зах ўлкаларга ишга бориб, касалланиб, шикастланиб, бир умрга ногирон бўлиб қайтаётган ўғил-қизларимиз озми!», деб ёзади Жуманазаров. Жуда таъсирчан. Аммо, қизиқ, у бу маълумотларни қаердан олди экан?

Ҳа, турли сабабларга кўра хатолар, тушунмовчиликлар ҳам бўлиб туради. Ҳамма нарса рисоладагидек бўлавермайди. Жумҳурият статистикасига бир қаранг: касал бўлаётган, жароҳатланаётган ва ҳатто ўлаётган болалар озмунчами? Ахир улар ўз маҳаллаларидан ташқарига чиқмаганлар-ку.

Ҳатто биророрта одам меҳнат семестрини ўтказиш учун жумҳуриятдан, Намангандан ташқарига чиққани йўқ. Талабалар отрядлари муаммоларидан ташвишга тушаётган касаба уюшмалари матбуот маркази раҳбари буни билиши шарт эди. Афсуски, на унинг ўзини, на унинг ҳамкасбларидан бирортасини вилоятда ишлаётган талабалар отрядларидан бирортасида бирор марта кўришмаган.

Чамаси, бу ҳозирги замон ёшлар ҳаракатининг аниқ муаммолари, ҳамда талабалар отрядлари жангчилари сафарда ва уйда оладиган маошдаги фарқдан бехабарлик билан изоҳланса керак. Қизиқувчилар учун маълумот сифатида айтишимиз мумкинки, қурилиш йўналишида бўлмаган талабалар отрядлари жангчиларининг ўртача иш ҳақи 1988 йилда Иттифоқда 173,8 сўмни ташкил этган эди. Уйда қолганлар эса мавсумда кўпи билан 112 сўм олдилар. Қурилиш отрядлари аъзолари иш ҳақи эса мамлакат бўйича 506 сўмга, жумҳурият бўйича 146,7 сўмга тенг бўлди. Бу йил сафарда ишлаган отрядлар маҳаллий отрядларга нисбатан уч, ҳатто тўрт баравар кўп ҳақ олдилар.

Демак, таътил пайтида қаерда ишлаш керак, деган саволга шу ердан жавоб олиш мумкин. Ёш наманганликлар қанча йўқотганликларини ҳисоблаш учун узоққа бориб ўтириш шарт эмас. Янгиқўрғон ноҳиясидаги «Заркент» давлат хўжалиги кўмакчиларни кутиб олишга шундай «тайёрланди»ки, натижада Наманган педагогика билим юртидан бу ерга келган ҳар бир жангчининг ўртача иш ҳақи 2 сўм 35 тийиндан ошмади. Шу ноҳиядаги «Пороман» давлат хўжалигида бир кунлик иш ҳақи 2 сўм 50 тийин — 2 сўм 70 тийинни ташкил этди. 6 кун мутлақо ишсиз қолишди. Вилоятда энг кўп иш ҳақи Худойбердиев номли давлат хўжалигида ишлаган Косонсой тиббиёт билим юрти талабаларига насиб этди. Улар кунига 3 сўм 22 тийиндан олишди.

Агар улар, Жуманазаров тили билан айтганда **«Россиянинг қолоқ хўжалиги»** Астрахань вилоятининг Енотаевский ноҳиясидаги «Строитель коммунизма» жамоа хўжалигида ишлаганларида, қанча маош олган бўлардилар? Номаълум! Шу нарса маълумки, ўтган мавсумда бизнинг болаларга кунига ўртача 6 сўм 18 тийиндан ҳақ тўлашган эди. Бу йил 180 наманганлик ишлаши керак бўлган худди шу «қолоқ хўжалик» ўз отрядлари номига, уларнинг ўзини кўрмай туриб, маданий-спорт жиҳозлари олиш учун 2,5 минг сўм ўтказган эди. Дарвоқе, энди бу пулларни қайтаришга тўғри келади.

Яна бир гап. Белгиланган норма бажарилган тақдирда Астрахань вилоятидаги деярли барча «қолоқ хўжалик»лар талабалар отрядлари жангчиларининг формаси, емиши, маданий программаларига кетадиган харажатларни ўз ҳисобларидан тўлайдилар. Қанийди бизнинг хўжаликлар ҳам талабаларни беминнат ишчи кучи деб эмас, интизор бўлиб кутилган ёрдамчилар деб қарашса.

Бузилган шартномалар оқибатида фақат Астрахань вилояти бўйича биз кўрган зарар, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 15 миллион сўмни ташкил этишини ким талабаларга айтади?

Ёзувчимизнинг «мулоҳаза юритиб», **«далада эртадан-кечгача тиним билмай ишлаётган колхозчи 80—100 сўм иш ҳақи олаётгани ҳолда штаб бошлиғи маошининг ўзи 300 сўм»** дейиши ҳам одоб доирасига сиғмайди. Қишлоқларимизда меҳнат ҳақи, иш ва маданий-маиший шароитнинг ёмонлигига ҳарқалай штаб командири айбдор бўлмаса керак. Бизнинг мақсадимиз битта — йигит-қизларга одамга ўхшаб яхши яшаб, яхши ишлашлари учун имконият яратиб бериш, агар таъбир жоиз бўлса, талабаларнинг ҳам моддий, ҳам аҳлоқий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Ҳа, талабалар отрядлари ҳаракатига қарши бўлган кучлар ҳам йўқ эмас. Бунинг сабаблари бор, албатта. Ёшлар янада билимдон ва кўп нарсалардан хабардор бўлишини истамаётганларнинг иши эмасми бу? Ахир бошқа ўлкаларга борган талабалар таққослашни ўрганадилар, ўз ҳаётларини янада яхши, муносиб ташкил қилишни билиб оладилар-да.

Обиджон Жуманазаров — ёшларимизнинг жумҳуриятдан ташқарига чиқишига қарши бўлганларнинг бири холос. Афсуски, «юқори»нинг телефон орқали тавсиясига бош ирғаб, бу кампанияни (бирови билиб, бирови билмай) айрим ўқув юртлари, халқ таълими вилоят раҳбарлари, ҳатто баъзи олий ўқув юртлари фирқа қўмитаси котиблари ҳам қўллаб-қувватладилар. Ва кўп таассуфки, бу масалада жойлардаги кўпгина комсомол қўмиталари ўзларининг бўш-баёвликларини намоён этиб қўйдилар. Ректор буюргач, партком қарор қилгач, комсомол... қалпоқ остига беркинади-да. Шундайми?

Мана, Қорақалпоғистон комсомоли ўзини йўқотиб қўймади. Ёшлар ўз манфаатларини ҳимоя қила билишди, сафарга чиқишни ёппасига бекор қилиш хато эканлигига мухтор жумҳурият раҳбариятини ишонтира билишди. Уддабурро талабалар ва ўқувчилар ёзги таътилларини кўнгилдагидек ўтказдилар. Улар ўз ҳуқуқларини ва кейинги пайтда айрим кишилар истеҳзо билан кулиб тилга оладиган «байналмилал» принципларни ҳимоя қилиб ютқазишмади. Қайтага, кўп нарсага эришишди.

ТАЛАБАЛАР ОТРЯДЛАРИ ЖУМҲУРИЯТ ШТАБИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

УЧ ИШ КУНИДА

Сурхондарё вилоятининг Шеробод ноҳиясидаги Владимир Қодиров номли 38-мактаб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси уч иш кунида режани бажарди.

Уч йилдирки, мактаб ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадаси (ЎИЧБ) режани муддатидан илгари уддалайди.

— Бригадамизда бор-йўғи 5 аъзо бор, — дейди ЎИЧБ бошлиғи, 11-синф ўқувчиси Муҳаббат Қўшоқова. — Ҳосилни йиғиштиришга 8 сентябрда киришган эдик. 11 сентябрда эса ғалаба рапортига имзо чекдик. Режадаги 26 тонна ўрнига 36 тонна пахта топширилди. Режага қўшимча яна 19 тонна «оқ олтин» топшириш мажбуриятини олдик.

Мактаб директори Эшмурод Худоймуродов ўқувчиларни ғалаба билан чин қалбдан қутлади.

— Афсуски, болалар меҳнати қадрланмаяпти, — дейди у биз билан суҳбатда. — Гап мукофотда эмас, бироқ ибратли иш тақдирланмоғи шарт.

Назаримда, директор рост гапни айтди. Бу ҳақда мутасадди ташкилот раҳбарлари ўйлаб кўришса, ёмон бўлмасди.

Ш. ВОҲИДОВА.
Сурхондарё вилояти.

МАШИНА МУБОРАК, РАҲИМБЕРГАН!

Раҳимберган Ёқубов Хива қишлоқ хўжалик техникумида ўқитувчи бўлиб ишлайди. Мана бир неча йилдирки, талабалар отрядлари ҳаётида фаол иштирок этмоқда. У «Хива» талабалар отряди етакчиси. Барча педагоглар ёзги таътилга чиққанида у, талабалар билан биргаликда қайноқ «ҳаёт»га отланади.

Отрядда уни жуда яхши кўришади. Иззат-ҳурматини ўрнига қўйишади. Раҳимберган ҳам талабалар билан апоқ-чапоқ. Барча ишлар ҳамжиҳатликда ҳал этилади.

Хива билан Чита ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланганига бир неча йил бўлди. Ёзда эса ушбу шартномага асосан, хиваликлар Раҳимберган етакчилигида ишга отланишади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Отряд «БАМстройпуть» қурилиш бошқармасининг «697-қурилиш-монтаж поезди»да таътилни ўтади.

Куни кеча Раҳимберган Ёқубовни Хоразм вилояти ижроия қўмитаси «Москвич-412» енгил автомашинаси билан тақдирлади. Бу унинг талабалар ҳаракати бўйича олиб борган ишларига берилган муносиб баҳодир.

Р. ҲУСНУТДИНОВ,
Талабалар отрядлари жумҳурият штаби йўриқчиси.

«ОРОЛ—90»


Нукус шаҳар гидромелиорация техникуми 2-курс талабаларининг «Орол-90» талабалар отряди меҳнат семестрларини «ЮгККводстрой» трестига қарашли «Прогресс» қурилиш ширкатида ўтказдилар. Улар шартнома бўйича 24 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришлари керак эди. Бу кўрсаткич 26 минг сўм қилиб адо этилди. Талабалар «Пахтаобод» давлат хўжалигида қурилаётган 784 ўринли мактабда унумли ишладилар. Қисқа вақт ичида улар бетон қуйиш, ғишт териш ва паркет пол қилиш ишларини мукаммал ўзлаштирдилар.

Отряд илғорларидан Турсунбой Соипов, Сарсенбой Мелдабоев, Жалғас Тлевов ва Бали Тўраева, Роза Наврўзалиевалар барчага намуна бўлишди. «Орол-90» отряди командири Баҳром Ўтамбетов ва «Прогресс» қурилиш ширкати раиси Тўхтабой Сиддиқовларнинг талабаларга яшаш ва ишлаш учун барча қулайликларни яратиб беришда хизматлари беқиёс бўлди.

Отряднинг «Орол-90» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Улар ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини «Орол» фондига ўтказдилар.

Отрядда уч бригада бўлиб, улар бир бири билан ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилдилар. «Армон» дастаси талабаларга намунали хизмат қилди. Ноҳия маданият уйи ходимлари томонидан ҳам агитбригада уюштирилди.

МЕҲРИБОН.
Тўрткўл.







Марғилон педагогика билим юртининг «Педагог» талабалар отряди учун меҳнат таътили ёмон ўтмади. Суратда (чапда) отряд аъзоларининг иш пайти акс эттирилган. ТошДД амалий математика ва механика куллиётининг «Ҳақиқат» талабалар отряди (юқоридаги сурат) «Урайнефтежилстрой» қурилиш трестида ёзги таътилни ўтади. Ўнгдаги суратда Қўқон тиббиёт билим юрти талабаси, «Шифокор—90» отряди аъзоси Гўзалхон Каримова. У Қувасойда ўтказилган «Талабалар отрядлари гўзали» конкурсида ғолиб чиқди.

«...ЛЕОНИД ИЛЬИЧ ЎЗИ ҲАҚИДА ЯХШИ ХОТИРА ҚОЛДИРДИ»

ЮРИЙ ЧУРБАНОВ, МАҲБУС, 1979-1985 ЙИЛЛАРДА КПСС МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ АЪЗОЛИГИГА НОМЗОД, СССР ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ МУОВИНИ, ГЕНЕРАЛ-ПОЛКОВНИК.

(Охири. Боши ўтган сонларда).

Ю. Ч. Уни ким билади... Агарда мана шу топширилмаган суратлар бўлган бўлса, эҳтимол, улар ҳам мавжуд бўлган, мен бу ҳақда ҳеч нимани билмаганман. Мендан яширишганлиги табиий, умрим бино бўлиб суратлар билан бирор марта ҳам қизиқмаганман. Вазирлик ходимлари учун махсус дўкон ҳақида фақат Шчелоков ўлимидан сўнг хабар топдим. У қаерга яширинганлиги, у ердаги нарх-наволар қандай бўлганлигидан, кимлар унга қатнаганлигидан хабарим йўқ эди. Эҳтимол, коллегия аъзолари қатнашган, албатта. Ёлғиз Шчелоковнинг ўзи бу дўконни сақлай олмасди. Ҳар ҳолда дўкон ва суратлар — бу ҳали порахўрлик деган гап эмас.

А. К. Шчелоков сиздан қўрқармиди, нима деб ўйлайсиз?

Ю. Ч. У мендан қўрқарди, деб айтмаган бўлардим, нарсаларни ўз номи билан аташимни ва органлардаги ишнинг аҳволини ҳеч кимдан яширмаганлигимни, у алоҳида мамнуният билан қабул қилган эмас, албатта. Мен ўзимнинг ҳар бир таклифимни ҳамиша ё шахсан вазир номига ёки коллегия номига маълумотнома шаклида тўлдирардим: бу ҳужжатларни йўқ қилиб юбориш қийин. Мабодо, Шчелоков шахсий шаънини ўйлаб, ўжарлик қилишини кўрсам — истаган вақтимда Марказий Қўмитанинг маъмурий органлар бўлимига чиқишим ва ўз нуқтаи назаримни баён қилишим мумкин эди. Шчелоков ана шу билан ҳисоблашишга мажбур бўлар эди.

А. К. Брежнев билан Шчелоков тўғрисида гаплашишингизга тўғри келганми? Ички ишлар вазирлигидаги вазият тўғрисида Брежневга гапирганмисиз?

Ю. Ч. Албатта. Шчелоковнинг найранглари ошкор бўлиши биланоқ...

А. К. Сиз нимани назарда тутаяпсиз?

Ю. Ч. Унинг бирор бир машҳур кўргазмага бориш ва хўжалик бошқармасининг ҳисобидан ўз оиласига нарсалар олишини. Бу ҳақда Леонид Ильичга айтганман. Андроповга ҳам гапирганман.

А. К. Леонид Ильич бу ахборотга қандай муносабат билдирган?

Ю. Ч. Тўғри муносабат билдирган... Шчелоков эса таъзирини еган. Масалан бир куни Шчелоков докторлик диссертацияси — иқтисод фанлари докторлигини ёқлаш тўғрисида оғиз очиб қолди. Ҳимоя эса Давлат план қўмитаси институтларидан бирида бўлиши, йўл четига қўйилган пастак устунчалардаги афишалар эса йўловчиларни бу воқеадан хабардор этарди. Ана шу афишани пастак устунлардан кўчириб, Леонид Ильичнинг олдига олиб боришган. У эса ҳузурига Шчелоковни чақиртирган ва унга шундай деган: «Мабодо сен диссертация ёқлашни ва лекция ўқишни истасанг, унда МДДга ишлашга бор!» Ўшанда Шчелоков Леонид Ильичдан қаттиқ танбеҳ эшитганди. Фақат кейинроқ, Леонид Ильич ўзини ёмон ҳис қилиб, кўнгилли ишларга эътибор бермай қўйган вақтдагина Шчелоков ўз диссертациясини ёқлашга муваффақ бўлган. Қандай мавзуда эканлиги мени мутлақо қизиқтирган эмас.

А. К. Унга докторлик нимага керак бўлиб қолган экан? Тушуна олмайман.

Ю. Ч. Ким билади дейсиз, Андрей Викторович. Кейинчалик баъзи бир мақолаларга: вазир, иқтисод фанлари доктори деб имзо чеккан. Шунинг учун зарур бўлган деб ўйлайман. Бироқ афиша воқеаси билан бўлган можаро Шчелоков назорат остида эканлигидан далолат бериб турибди. Унга ортиқча эрк бериб қўйилмаган. Леонид Ильич ўзининг қаттиқ қўллигини намойиш қилган...

А. К. Лекин ҳайдаб юбормаган-ку.

Ю. Ч. Биринчидан, Леонид Ильич кўп нарсадан ҳар ҳолда хабардор бўлмаган, Юрий Владимировични гапирмайман, аммо агар... Марказий Қўмитанинг ўша маъмурий органлари бўлими, ҳеч бўлмаса етарли даражада ахборотларга эга бўлган Савинкин мана шу ишларда журъатқорлик кўрсатгандайди.... Майли, шахсий шуҳратни қўя турайлик. Давлат иши муҳимроқ: ҳар ҳолда армияда айтишганидек, — «Кушкадан нари юборишмайди, взводдан камини беришмайди». Улардан бирортаси журъат кўрсатганда ва ана шу найрангбозликлар тўғрисида Бош котибга маълум қилишга қарор беришганда фойдадан ҳоли бўлмаслигига шубҳаланмайман.

Албатта (мен шундай ўйлайман), Леонид Ильичга саломатлиги имкон бермасди. Ўз-ўзини ўлдириш Шчелоков учун қутилиш йўли бўлди. Маълумки, унинг рафиқаси ҳаётдан ўз ихтиёри билан аввалроқ кетди. Шанба куни Светлана Владимировна, Шчелоковнинг рафиқаси Серебрянний Бордаги дала ҳовлида ўз-ўзини отганлигини Федорчукка қўнғироқ қилишганда ва ахборот беришганда биз Федорчук билан хизматда эдик. Федорчук воқеа қандай содир бўлганлигини аниқлаган. У ётоқхонасида бўлган, унга кимдир тўппонча берганлигини айтолмайман. Кечқурун Шчелоков билан қаттиқ жанжаллашган. Шунда Шчелоков унга ўз хулқ-атвори ва текинхўрлиги билан лавозимдан бўшатилишида унинг ҳам ҳиссаси бўлганлигини айтиб, ўшқирган. Бу жанжаллашиш эрталаб яна давом этганми, йўқми, аниқ айтиш қийин. Ўқ отилган пайтда пастда, у билан ёнма-ён яна бир киши (ё боғбон, ёки ҳовли тозаловчи ходим) бўлган. Улар ётоқхонага югуриб чиқишган пайтда эса пол устида ётган мурдани кўришган. Шчелоков ўзи ана ўша тўппончага ташланган ва ўз-ўзини ўлдирмоқчи бўлган. Бироқ ёнида бўлган киши ўша тўппончани қўлидан уриб туширган ва уни яшириб қўйган. Ҳаётдан ўз ихтиёри билан кетишга дастлабки уриниш мана шундай бўлган. Кейин, Бош ҳарбий прокуратурага кўпдан-кўп чақириш бошланганда, Шчелоков, эҳтимол, руҳан сўнган бўлган. У менга қўнғироқ қилмасди, телефонларни эшитишларини яхши биларди, «вертушка» эса эндиликда унда йўқ эди. У қандайдир пайтда унинг маҳрум этилган орден ва медалларини олишга келишларидан хабар топиб қолади. Асабийлашган ҳолатда ов милтиғига ёпишади ва ўзини юзидан отади.

А. К. Уни қандай дафн қилишди?

Ю. Ч. На мени, на бошқа коллегия аъзоларини дафн этишга қўйишмаган. Бу кўрсатма эди. Уни ким берганлигини билмайман.

А. К. У судланувчилар курсисида ўтирган бўлармиди, сиз қандай ўйлайсиз?

Ю. Ч. Истисно этмайман. У ё 72 ёки 73 ёшда бўлса ҳам ўтириши мумкин эди, деб ўйлайман. Бироқ Шчелоковнинг жанговар орденларини қолдиришди. Агар унинг урушгача, уруш вақтидаги ва вазирлик лавозимида ўтирган вақтини оладиган бўлсак, бу бошқа-бошқа Шчелоков эди. Шуни назарга олишдими ёки йўқми — айтиш қийин,

А. К. Сиз ишлашни севганмисиз?

Ю. Ч. Биласизми, ишга ўзимни бутунлай бағишлагандим. Ишлашни жуда-жуда севардим.

А. К. Ички ишлар вазирлигида ўзингизни қандай кашф қилгансиз? «Хўжайин»ни ўзгартиришга жазм қилганмисиз?

Ю. Ч. Бир куни марҳум Гречко (мен ички қўшинлар Сиёсий бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаб турган пайтимда) Мудофаа вазирлигида Совет Армияси Бош сиёсий бошқармаси бошлиғининг муовини бўлиб ўтишни таклиф қилди. Маршал Гречко томонидан масала жиддий қўйилдимийўқми, билмайман. У менга Леонид Ильичнинг олдида айтди. Биз Леонид Ильични ё кутиб олаётганимизда ёки кузатиб қўяётганимиздами, ҳозир эсимда йўқ. Лекин Леонид Ильич: «Кераги йўқ, шу ўрнингда ишлайвер», — деди.

А. К. У сизни вазир сифатида кўрмоқчи бўлганми?

Ю. Ч. Бу мавзуда ҳеч қандай гап бўлган эмас. Бундай масалаларда ўртоқ Брежнев жуда нозик киши эди.

А. К. Матбуотда сизга қўйилаётган энг жиддий айблардан бири — бу генерал Крилов ўз-ўзини ўлдириши билан боғлиқ воқеа. Бу тўғрида қандай ўйлайсиз?

Ю. Ч. Бу ҳам яна, Андрей Викторович, «Огонёк»нинг хизмати билан. Криловнинг ўзи ким бўлган? У қандай қилиб вазирликка келиб қолди. У органга ДХҚ собиқ мактабидан келган. Қўмита раҳбариятидан кимдир уни Шчелоковга ишга қобилиятли ва қалами бор киши сифатида тавсия қилган. Бироқ қобилиятли эканлигини ҳам ҳар хил тушуниш мумкин. Агар киши кечалари вазирликка келиб қўл остидагиларни, стенографистка ва машинкада босувчилардан тортиб ходимларини тревога билан оёққа турғазиб, бу иш вазирга айни эрталаб зарур, деган баҳона билан ўзининг бемаъни ғояларини такрор-такрор пишиқлаштирса, кейин эса бу ғоялар ҳеч кимга керак бўлмай, қоғоз идишига ташлаб юбориладиган бўлса, мен бундайларни қобилиятлилар деб айтмаган бўлардим.

Уни аппаратда ёқтиришмасди. Лекин у Шчелоковни мутлақо мафтун қилиб олган эди. Шчелоков унинг қандайдир ғояларини ўзиники қилиб айтарди. Мен ва ўртоқларим (коллегия аъзолари) уларни зарарли деб ҳисоблардик. Крилов «генералликни» олди ва ўзини вазирликда оз бўлмаса биринчи шахс деб ҳисоблади. Мана шунда унинг фаолияти тоқат қилиб бўлмайдиган даражага бориб етди. Коллегия аъзолари вазирдан Криловнинг эгаллаб турган лавозимидан воз кечишини талаб қилди. Бизни Марказий Қўмитанинг маъмурий органлар бўлими қўллаб-қувватлади. Шчелоковнинг ўзи ҳам Криловдан қутилишга тайёр эди-ю, аммо Крилов таъсир ўтказиш қобилиятига эга бўлганлиги шубҳасиз. Шчелоковнинг нозик нуқталарини яхши сезарди, Буни мен билардим. (Кейинчалик у тутқаноқ касалига мубтало бўлганлиги маълум бўлди). Ўзаро келишилган қарор қабул қилинди: у ички ишлар вазирлиги Академиясининг бошлиғи этиб тайинланди ва коллегия аъзолигида қолдирилди. У Фан номзоди эди. Қандай фан эканлиги эсимда йўқ, кўпроқ ҳарбий соҳа бўлса керак. Қуролли Кучлар тузилишига ҳамда мустаҳкамланишига у ҳисса қўшган деб айта олмайман. Крилов мана шундай қилиб Академия даргоҳида пайдо бўлди, У ерда ҳам тўла алғов-далғовлар бошланди. Менга Криловнинг ўжарлиги, унинг кишиларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиши, кадрлар беқарорлиги ва ҳакозолар тўғрисида маълумотлар кела бошлади. Бироқ Криловнинг вазир олдига бир маротаба ташриф буюриши ҳаммасини энди-энди қилиб юборарди. Унга ёлғиз ёруғлик дарчаси — вазир эди. Унинг учун на Чурбанов, на Богатирёв ёки Заботин, бошқа вазир ўринбосарлари йўқдек эди. Шунда мен вазир номига «Академияни тўла кўламда текшириб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман», деган мазмунда маълумотнома ёздим. Аввалига вазир менга рад жавоби берди. Аммо устамонлик қилди: рад этилмасин, лекин вақтинча тўхтатиб турилса, деб маълумотномага ёзиб қўйди. Иккинчи маротаба рапорт ёздим, у ҳам сақланиб турибди. Ўшанда Шчелоковга: «Ўртоқ вазир, агар сиз Академияни текширишга ижозат бермасангиз, мен маъмурий органлар бўлимига маълум қиламан. Майли, у ерда бизни муҳокама қилиб кўришсин», — дедим. Афтидан, энди ҳеч нима қила олмай қолди. Мен Марказий Қўмита бўлимида қўллаб-қувватлашларига розилик олгандим. Биз нуфузли комиссия туздик. Унга бошқармаларнинг барча бошлиқлари кирди. Академияни барча жиҳатдан объектив текшириб чиқиш вазифаси қўйилди. Биз қанчалик чуқур кавлаштирсак, салбий нарсаларни шунчалик кўпроқ топар эдик. Вазир отпускага чиқиб кетган ва Москва яқинида дам оларди. Крилов унинг олдига боришга уриниб кўрди. Аммо вазир уни қабул қилмай, менсиз ҳал этаверинглар маъносига ишора қилди. Криловни олдимга чақиртирдимда: «Нима қиламиз. Сергей Михайлович?» — дедим. Хонада мендан ташқари кадрлар бошқармасининг бошлиғи генерал Дроздецкий бор эди. Крилов ўзини ғоят асабий тутганлигини таъкидлаб ўтиш зарур. У бу лавозимдан воз кечишга тайёр эканлигини айтди. Лекин Академияда ўқитувчи қилиб қолдиришни сўради. Мен эса «яхши, вазир келганида ҳамма масалаларни ҳал этади», — дедим. Крилов хонадан чиқиб Академияга жўнаб кетди. Бу пайтда у ерда Ленин таваллудининг навбатдаги йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ўтаётган эди. У бутун зал бўйлаб ўтган ва йиғилишни олиб бораётган генерал Варламовга хат узатиб, у Академиянинг байроғи билан хайрлашмоқчи эканлигини маълум қилган. Бир сўз билан айтганда, бу алаҳсираш эди. Варламов қандайдир кўнгилсизлик бўлганлигини сезиб, йиғилишни тез тугатган. Крилов эса ўз хонасига кириб устидан эшикни қулфлаб олган. Бироздан сўнг у ердан ўқ овози эшитилган.

А. К. Сиз Крилов ҳаётдан кўз юмганлигини айтишганда ўзингизни қандай ҳис қилдингиз?

Ю. Ч. Уйимга қўнғироқ қилишди. Бизнинг томондан у ерга вазир ўринбосарлари генераллар Дроздецкий ва Заботин, Прокуратурадан эса Каракозов ва яна кимдир борди. Ўз-ўзини ўлдириш Крилов томонидан ўйлаб қўйилган қадам бўлган, деб ўйлайман. У ўлганидан кейин яна ишқий иши очилиб қолди...

А. К. Юрий Михайлович! Сиз қайта қуриш душманимисиз? Бундай тўғридан-тўғри савол учун кечирасиз.

Ю. Ч. Мен шўро ҳукуматига ҳамиша ҳурмат билан муносабатда бўлганман. Фирқага ҳам. Мен қандай вазиятда бўлишимдан қатъи-назар ҳаттоки колонияда бўлганимда ҳам, менда шўро кишиларига, Коммунистик фирқага, давлатга ҳурмат билан муносабатда бўлишим ўзгармайди.

А. К. Тушунарли. Ҳар ҳолда мамлакатда содир бўлаётган ўзгаришларга сиз қандай муносабатда бўласиз?

Ю. Ч. Тиканли симлар орқасидан давлатда нималар содир бўлаётганлигини жуда ҳам яхши кўролмайсан. Менимча, ҳозир фирқа ва давлат бетоб. Қандай касаллик эканлигини айтиш қийин. Эҳтимол, менинг ўрнимга бошқа, нуфузлироқ кишилар буни айтишар. Лекин касаллик номини тўғри қўйишларига ишонаман.

А. К. Сизни хорижийдан ташқари барча орденингиз ва унвонларингиздан маҳрум қилишдими?

Ю. Ч. Ҳа. Журналист Додилев ёзганидек, мендан хорижий орденлар тортиб олинганида ёмон бўлмас экан... Агар қўлидан келса, унда тортиб олаверсин. Менда Қизил Юлдуз ордени бўлган. Уни Ички қўшинлар сиёсий бошқармасининг бошлиғи сифатида «Ички қўшинлар шахсий таркибини жанговар ва сиёсий тайёргарлиги учун ва Олмония фашистлари устидан Ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан» олган эдим. СССР Олий Шўроси Президиумининг махфий Фармонида эса бу ҳақда шундай дейилади: «Афғонистон жумҳуриятида махсус байналмилал топшириқни бажарганлиги учун». Бу қандай топшириқ эканлигини айтмасликка ижозат этинг.

А. К. Ҳарбий сирми?

Ю. Ч. Бу топшириқ ҳозир ҳам сир.

А. К. Сиз бу ерда, колонияда қандай яшаяпсиз?

Ю. Ч. Мени оз бўлмаса оркестр билан кутиб олишди, деб шов-шув кўтаришларига қарамай, бу ерда мен оддий «зэк»ман. Қисқа вақт ичида санитария қисмида менда сил касали борми ёки йўқлигини текшириб кўришгач, ишлаб чиқаришга жўнатишди. Колония бир неча цехга эга бўлиб, мен слесарь бўлиб меҳнат қилаяпман. Музқаймоқлар учун вазалар йиғаяпман. Ҳеч қандай имтиёзга эга эмасман. Мана сизнинг ўзингиз, Андрей Викторович, буни кўриб турибсиз. Ҳамма билан баробар ишга бораман, ҳамма билан баробар ошхонага ёки ишга қатнайман...

А. К. Бошқа ҳукм қилинганлар сизга қандай муносабатда бўлишади?

Ю. Ч. Нормал муносабатда. Кишилар тўкиб чиқарилган иш эканлигига ишонадилар. Айтгандек, бу ҳақда Олий Шўронинг Комиссиясига, рўзномада ҳабар қилинганидек депутат Медведевга эмас

А. К. Жавоб олдингизми?

Ю. Ч. Лекин жавоб олганим йўқ.

А. К. Сиз бу мусоҳаба матбуотимизда мақолаларнинг янги оқимини келтириб чиқаришидан чўчимайсизми? Нима, сиз таваккал иш қиласизми?

Ю. Ч. Сизга нима десам экан, менинг битта ҳукмим бор: бу ўн икки йиллик қамоқ. Қадимги замондагилар айтишганидек, эртага нима бўлади, бу ёлғиз Худога аён. Шундай экан, бу суҳбатдан сўнг қасд олишлари мумкинлигини истисно этмайман. Натижасини олдиндан айтиб бўлмайди. Эҳтимол, бу ерда, колонияда, Чурбанов ноқулай киши бўлиб қолар. Бу лаънати Чурбанов эркинликда ҳам бизни курашга чақираяптими... Нима ҳам дердик. Курашсак, курашаверамиз-да. Мабодо, бирор коржол юз берса, жилла бўлмаса сизнинг ёзиб олган плёнкангиз қоладику...

Нижний Тагил 13-колония, 1989 йил 24 февраль.

Хорижда хабарлар

БУДДА — ТИНЧЛИК ХИЗМАТИДА

УЛАН—БАТОР. Бу ерда тинчлик учун курашувчи Осиё будда конференциясининг саккизинчи бош конференцияси «Ўзаро ишонч ва ижтимоий адолат негизида зўравонликсиз дунё сари» шиори остида очилди.

Анъанага мувофиқ, конференция расмий равишда очилиши олдидан Гандантэгченлин будда ибодатхонасида ер юзида тинчлик ва барча тирик мавжудотларнинг фаровонлиги учун анжумани қатнашчилари биргаликда ибодат қилдилар. Шундан сўнг, бу ерда Осиё тинчликсевар буддачилари халқаро диний ташкилотининг биринчи президенти Гомбожава шарафига ёдгорлик лавҳасининг ҳамда тинчлик ибодатхонасининг очилиш маросими бўлди.

Тинчлик учун курашувчи Осиё будда конференциясининг ҳозирги президенти Хархугийн Гаадан конференция делегатларига, кузатувчилари ва меҳмонларига мурожаат этиб, ўз ноҳукумат ташкилоти тинчликсевар кучларнинг жаҳон ҳаракатида фаол қатнашаётганини ва ўзи мавжуд бўлган йигирма йил ичида бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлади. Ҳозир Бангладеш, Вьетнам, Ҳиндистон, Камбоджа, КХДЖ, Лаос, Монголия, Непал, СССР, Шри-Ланка, Японияда унинг миллий ва минтақа марказлари бор. Бу марказлар ер юзида тинчлик ва тараққиёт учун курашаётган ўнлаб халқаро ҳамда ноҳукумат ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

(СИТА).

ГЕНЕРАЛ ИСТЕЪФОГА ЧИҚАРИЛДИ

Президент Буш ҳарбий ҳаво кучлари штабининг бошлиғи генерал Майкл Дуганнинг истеъфога чиқарилиш сабабларини шарҳлашдан бош тортди. Генерал мамлакат мудофаа вазири томонидан эгаллаб турган лавозимидан бўшатилган эди. Дуган бу лавозимни шу йилнинг июль ойидагина эгаллаган эди. Унинг «Вашингтон пост» ва «Лос-анжелес таймс» рўзномаларида мухбирлар билан суҳбати эълон қилинганидан сўнг, Дуган эгаллаб турган лавозимидан бўшатилганди. Генерал бу суҳбатда, Америка Қўшма Штатлари Ироқнинг нафақат ҳарбий ва саноат иншоотларига, айни вақтда Бағдодга ҳам президент Саддам Ҳусайнни, унинг оила аъзоларини йўқ қилиб юбориш мақсадида ҳаводан туриб ёппасига зарба бериши, бомбардимон қилиши мумкинлигини айтган эди. Дуган штабдаги оператив офицерлардан олимлар ва журналистлар билан маслаҳатлашишни, «Ироқ маданиятида нималар ноёб ва Ироқ ҳаммадан кўра кўпроқ нималарни қадрлаётганини» аниқлаб олишни сўраганлигини, бунда ҳаводан бериладиган зарбалардан янада самаралироқ фойдаланиш кўзда тутилаётганини ҳам айтди.

«Мен бу хусусда ҳеч нарса деёлмайман, бундан ташқари, мудофаа вазирини бутунлай қўллаб-қувватлайман», — деди Жорж Буш АҚШ минтақалари рўзномалари, радио ва телестанциялари мухбирлари билан душанба куни ўтказилган учрашувда.



Япониянинг Хоккайдо ороли фуқаролари бўлмиш Кэйко ва Такэси Накамуролар тўйларининг бир йиллигини Сахалинда нишонлашди.

Ёш келин-куёвларнинг бу ерда ўтказган кунлари ҳаётида энг ширин дамлардан хотира бўлиб қолса, ажабмас.

Шундай бахтли саёҳатга уларни комсомол хўжалик ҳисобидаги ёшлар ташаббуси маркази «Синтез» мушарраф қилган.

В. ТИТОВ сурати (СИТА сурат хроникаси).

НОШУД ШИФОКОРЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

ВАШИНГТОН. (СИТА). АҚШ Соғлиқни сақлаш вазирлиги беморларни даволашда хатога йўл қўйган ёки касб-кор одобини жиддий равишда бузган тиббиёт ходимларининг рўйхатини тузиб, бутун мамлакат миқёсида шу рўйхатни компьютер захирасига жойлаб қўйишга киришди.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг айрим шаҳарлари ва штатлари фаолияти шифокорлик қонун-қоидасига номуносиб бўлган шифокорлар ҳақидаги маълумотларни йиғмоқдалар. Аммо бу маълумотлар ҳеч қачон бутун мамлакат миқёсида умумлаштирилмаган эди. Натижада ўз обрўсини тўкиб қўйган тиббиёт ходимлари иш жойларини бемалол ўзгартираверишлари мумкин эди.

Шу йилнинг сентябридан бошлаб Америкадаги касалхоналар, госпиталлар, суғурта компаниялари ва тиббиёт ходимларининг фаолиятини назорат қилувчи маҳаллий идоралар айрим табибларга касб-кор юзасидан жазо берилганлиги ва суд ҳукмлари чиқарилганлиги барча ҳолатлари ҳақида, шунингдек, даволашдаги хатода азият чекканларга суд ҳукмидан ташқари пул билан товон тўланганлиги тўғрисидаги барча маълумотларни умуммиллий ахборот захирасига хабар қилишга мажбурдирлар Бундан буён АҚШдаги барча тиббиёт муассасалари ишга қабул қилиш вақтида уқувсиз номзодларни аниқлаш имкониятига эга бўладилар.

Телетайп лентасидан

● БЕРЛИН. Германия социал-демократик партиясининг парламент фракцияси Германия демократик жумҳурияти халқ палатаси президенти Сабине Бергман-поль истеъфога чиқишини талаб этди.

С. Бергман-поль Бонн маъмурларига хат йўллаб, мурожаат этганлиги каттолиги жиҳатидан иккинчи ўринда турган фракция депутатларининг ғазабини қўзғади. Хатда 3 октябрдан сўнг Бундестаг аъзолигига кирмайдиган 256 нафар депутатга маош тўлашни давом эттириш зарурлиги ҳақида айтилганди. Умумгерман сайлови ўтказилгунига қадар, Германия демократик жумҳуриятидан парламентга аъзо бўлган 144 кишигагина бундай ҳуқуқ берилганди. Акс ҳолда, деди ўз талабини изоҳлар экан халқ палатаси президенти, бирлашиш тўғрисида имзоланган шартномани тасдиқлашда мушкулликлар юзага келиши мумкин.

Германия социал-демократик партияси фракцияси тарқатган баёнотда бундай тахмин бўлмағур эканлиги айтилади.

● СОФИЯ. Болгария пойтахтида оппозиция ташаббуси билан уюштирилган митинг кўпгина болгарлар ўзларининг севимли сиёсатчиларидан ҳафсалалари пир бўлганини ва тирикчиликдан ташвиш чекаётганлигини намойиш қилди. Митинг умуммиллий тусда ўтказилади, деб мўлжалланган эди, бироқ унинг қатнашчилари бўлиб ўтган оммавий намойишлардан фарқли ўлароқ пойтахт марказида ажратилган майдоннинг ярмини зўрға тўлдирдилар. Лекин, шундан кейин майдонга келган кишилар коммунизмга ва ўз шуурлари билан боғлиқ бўлган барча нарсаларга нисбатан қаҳр-ғазабларини билдиришдан тап тортмадилар.

«БКП ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам мафия бўлиб қолмоқда», «Коммунизм чекинмоқда», — митингнинг катта ёшдаги қатнашчилари ҳам, ёш йигит-қизлар ҳам ана шу сўзларни такрор-такрор айтишарди.

Йиғилганлар ҳузурида сўзга чиққан демократик кучлар иттифоқи раҳбарларидан бири Петко Симеонов митингга келган кишиларнинг коммунистларга қарши кайфиятини муносиб баҳолаб, Болгария бошидан кечираётган танглик айбдор бўлган кишилар устидан, энг аввало Болгария Компартияси устидан халқ суди ўтказилишини талаб қилди.

● НЬЮ-ЙОРК. Американинг «Ю-ЭС спринт коммьюникейшнз» компанияси Совет Иттифоқи билан бошқа мамлакатлар ўртасида телекоммуникацияларини яхшилаш мақсадида СССРда ускуналар сотиш учун АҚШ ҳукуматининг розилигини олди. «Ю-ЭС спринт» компаниясига қарашли Канзасс штатидаги «Юнайтед телеком» корпорациясининг бошлиғи Уильям Эсри тез орада ускуналар етказиб берила бошлашини маълум қилди.

Америка корчолонининг фикрига қараганда Совет Иттифоқига телефон, алоқанинг шахсий ва бошқа турлари учун электр токи йўналишини ўзгартирувчи туркум асбоблар етказиб беришга шу ҳафтада рухсатнома олинади. Бу СССРда Американинг замонавий техникавий маҳсулотларини сотиб олишга чеклашлар пасайтирилганидан сўнг берилган биринчи рухсатнома бўлади.

● РИМ. Италия вазирлар кенгашининг раиси Жулио Андреотти душанба куни Европа парламенти давлат муассасалари муаммолари комиссиясининг бу ерда очилган мажлисида сўзга чиқиб, БМТда Европа ҳамжамиятининг «ягона ваколатхонаси»ни ташкил этишни таклиф қилди. Италия ҳукуматининг бошлиғи, жумладан шуларни таъкидлади: Европа ҳамжамияти билан Япония БМТ ҳавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлишлари мумкин.

● ПАРИЖ. (СИТА). Ироқ қўшинларининг Қувайтга бостириб кириши Қувайт ҳайвонот боғидаги жониворлар учун қайғули оқибатларни келтириб чиқарди. Бағдод армиясининг ҳарбий хизматчилари, деб хабар қилади Франс пресс агентлиги, у ердаги ёввойи ҳайвонларнинг бир қисмини еб қўйишди. Кийиклар билан буғулар солдатларнинг дастлабки қурбонлари бўлишди. Нодир жониворларнинг пешонаси унчалик шўр эмас экан. Жониворларни ҳимоя қилиш жаҳон жамиятининг вакили Виктор Уоткинснинг таъкидлашича, улар Ироққа олиб кетилган. Бироқ Қувайт ҳайвонот боғида ҳануз яшаб турган кўпгина жониворлар қисмати ҳам еб қўйилган ўз қардошлари тақдирига ўхшаш бўлиб чиқиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

НОМАЪЛУМ ҲАЙВОН ҚОЛДИҒИ

● ТИНЧ ОКЕАНИДАГИ Матаги ороли яқинидан (сув ости ғоридан) бир гуруҳ ғоввослар шу пайтгача фанга номаълум бўлган ҳайвоннинг қолдиғини топдилар. Унинг узунлиги 10 метр бўлиб бош суягининг ўзи 1 метрни ташкил этади.

Булғориянинг «Орбита» ҳафталигида ёзишларича, у қолдиқ бирорта ҳам денгиз ҳайвонига ўхшамайди.

БАРИБИР ҚЎЛГА ТУШДИ

● ИСПАНИЯНИНГ Албасете шаҳри фуқароси Альберто Квирога наркотик моддалар билан савдо қилаётган пайтда полиция келиб қолди. Лекин Квирога тутқич бермади: мотоциклини ташлаб, девор оша қочди ва қандайдир қурилиш майдонига келиб қолди. Қурилаётган бинонинг қоронғи бурчига беркинди-да, қутулганига шукр қилди.

Бироқ қўрқув унга тинчлик бермади — қоронғида яна ичкарироққа юриб, яхшироқ яширинмоқчи бўлувди, бирдан белигача ботқоққа ботиб кетди (чуқурча кавланиб мумсимон модда тўкиб қўйилган экан). Қимирлаган сайин чуқурроқ ботиб кетаверди. Шунда Альберто жон ҳолатда қичқириб уни излаётган полицияни ёрдамга чақира бошлади. Шундай қилиб, Квирога даҳшатдан қутулди, лекин барибир полицияга тутилди, деб хабар беради Испаниянинг «Паис» рўзномаси.

ПЕЧКАЛИ ЭТИК

● БАЛИҚЧИЛАРНИНГ кўпчилиги сувда соатлаб туришади, айниқса, ҳаваскор балиқ тутувчилар. Бу эса уларда ревматизмнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Энди эса улар Япониянинг «Нарита Мотоно» фирмаси ишлаб чиққан махсус резинка этикни кийиб олиб, қармоқни сувга ташлаганча, бемалол 3-4 соатлаб сувда юравериши мумкин.

Жанубий Африка жумҳуриятида чиқадиган «Стар» рўзномасида ёзишларича, этикнинг киши соғлиги учун фойдаси катта. Унга махсус иситгич ўрнатилган бўлиб,у қуёш нуридан қувват олувчи батарея ёрдамида ишлайди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Ибратли тажриба

Ёзнинг дастлабки кунлари эди. Танишлардан бири невараларининг туғилган кунига таклиф қилди. Саришта ҳовлига кириб бордим. Рўпарамдан чиққан икки нафар болакайни кўриб кўзим чақнаб кетди. Бежирим тикилган зар тўн, бошида зарли матодан ўралган салла. Унга жиға тақилган. Ўзларига ярашиқлик либосдаги болажонлар бехосдан кичкина Тоҳирни эслатди менга.

Тўйхонани тўлдириб
Ўйнаб юрар болажон.
Зар тўнию жиғаси,
Кўзни олар болажон.

Завқимни яширолмасдан юзга фотиҳа тортилиши биланоқ сўрадим:

— Бундай ажойиб либосларни қаерда тикишаркан?

— «Феруза» модалар ательесида, — жавоб қилишди тўй эгалари. Тасаннолар айтдик.

Орадан бирор ой ўтгач бахт кечасига бордим. Дид билан безатилган дастурхоннинг тўрт томони бўш. Йиғилганлар келинни кутишяпти. Хонанда хониш қиляпти-ю нигоҳлар кўчага тикилган. Ниҳоят карнай-сурнайнинг ёқимли «Ёр-ёр» куйи эшитилди. Келин-куёв жўралари, дугоналари даврасида залга кириб келди.

— Э, яшаворе, бўларканку! — деди ёнимда турган барваста йигит.

— Бунақасини биринчи кўришим, ўйлаб топган кам бўлмасин.

— Қизиқ, қаерда тиктиришди экан-а. Насиб этса мен ҳам келинимни шунақа кийинтираман, — деди яна кимдир.

Ҳа, келин-куёв устидаги либослар ҳавас қилгулик эди. Орзу-ҳавасли аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам хаёлини ўғирлади бу либослар. Айниқса, келин устидаги қимматбаҳо паранжи замонавий тус бериб қизил матодан тикилган ёпинчиқ, ундаги безаклар келин чин чиройини янада очганди. У турли [illegible] билан безалган. Бош тарафига гуллар тикилган. Электр нурида жилваланадиган ялтироқ ипак ва пистонлар қадалган юзидаги тўр унга янада латофат бағишлаган.

Келинчаклик либосингиз
бирам ярашибди-ей,
Шу боисдан ўтирганлар
завқла қарашибди-ей,
Ўзбекона ярашиқлик
ёпинчиқ жилвасидан,
Не оқилу донолар ҳам
сўздан адашибди-ей.

Куёвга ҳам шу аснода мос қилиб тикилган тўн, салла, жиға...

Ўз-ўздан келин-куёв табригига либослар мадҳи ҳам уланиб кетди. Айни бугунги миллий қадрият ва маданиятларимизни тиклашга уринаётган кунларимизда шундай бўлиши табиий ҳол. Тўй тугашини кутмасдан суриштира кетдим. «Феруза» номли модалар ательесида тикилганини айтишди. Қизиқишим яна ортди.

...Ташқи кўриниши у қадар кўзга ташланмаса-да, ичкарида кутиб олувчилар чеҳрасида табассум, муомалаларидаги самимиятдан қувондим. Модалар ательеси мудираси Солияхон Хидирова билан учрашгач, бу борада унинг ўзи бошқаларга ибрат эканлигининг гувоҳи бўлдим. Жамоага келганига уч йил бўлибди. Ана шу давр ичида қўлга киритилган ютуқлар эса тадбиркорлигидан, тиришқоқлигидан, энг муҳими одамлар кўнглига йўл топадиган ишбилармон раҳбарлигидан далолат беради.



ҚЎЛИ ГУЛ ЧЕВАРЛАР

Янги мудира дастлаб ишни туриб қолган маҳсулотларни ҳаракатга келтиришдан бошлади. Кўпдан тўпланиб қолган рангдор грендишиналардан гўдаклар тикилган комплект кийимлар жуда харидоргир бўлди. Қалин сейлон матолардан эса янги туғилган гўдакларга кўрпача конверт тикишди. Унинг хориждан келтирилгани магазинда йўқ. Қўлда эса нархи осмонда. Шу боис ўшандан қолишмайдиган қилиб тўр безаклар билан тикилган бундай маҳсулотга бизда доимо зарурат бор. Аёлларнинг хурсанд бўлганини айтмайсизми.

Шу зайл квартал ва йиллик режалар бажарила борди. Айни кунларда улар тўртинчи квартал ҳисобига меҳнат қилишмоқда. Ишлар юриша бошлагач, мудира яна бир йўлаб юрган фикрини ўртага солди.

Орзули дунё. Беш йил бурун қизи Гуландомни узатганда атайин ўзи либос тикди. Миллий келинлик либоси. Қизи ҳам истараси, қош-кўзи талашадиганлардан эмасди, жуда ярашди. Ҳамма гапирди. Ахир ўзимизнинг шундай ажойиб кийимларимиз турганда... Лекин унинг тўйининг эртасигаёқ яшириб қўйишди. Чунки миллийлик ҳақида гапириб бўлмасди, Гапиртиришмасди. Энди аксинча. Секин-аста тилимизни тортиб ўзлигимизни, ўзбеклигимизни кўрсатувчи расм-русумларимизни ҳам тикляпмиз. Мана бор шукур. Мудиранинг бу таклифи ҳам кўпчиликка манзур бўлди. Аввалига таниш бўлган келинларга тикишди бундай либосни. Ўз-ўздан хоҳловчилар кўпайиб борди. Сўнг вилоят либослар конкурсида иккинчи ўринни эгаллашди. Яқинда эса жамоа ҳаётида яна бир қувонарли ҳодиса бўлди. Қозоғистонда ўтган «Шиғизсон» этнография кийимлари конкурсида «Феруза» чеварлари томонидан тикилган миллий либослар самарқандликлар билан бирга иккинчи ўринни олишди. Айниқса, конкурсда дид билан безатилган бешик устидаги гаврапечлар ҳаммага манзур бўлди. Бугунги кунда бу жамоа аъзолари тиккан чимилдиқ, говрапеч, атлас лозим ва бошқа миллий либослар кўпчиликнинг тилига тушди. Буларни тикишда бичиқчилардан Марҳамат Усмонова, Рихсихон Ғуломова тикувчилардан Мақсуда Содиқова, Рухсора Сирожиддиновалар фаоллик кўрсатишяпти. Ирина Лининг тиккан чопонлари эса доимо ярашиқлик чиқади. Жамоада Холида Лемpraнованинг ўрни бошқача. Қўли гул бичиқчи ойлик режаларини 200 фоиздан бажаради.

Яна қувонарлиси шундаки, қарийб 60 нафар кишидан иборат бу жамоа аҳилликда барчага ўрнак бўла олади. Бунда ҳам тиниб-тинчимас мудиранинг ўрни бор, албатта. Изланиб, доимо иш билан таъминлайди. Жумладан, корхоналарга бориб турли буюртмалар олади. Шифохоналар, поликлиникалар учун халатлар тикишни йўлга қўяди. Ишбилармонлиги учун Солия Хидировани вилоят Шўросига депутат қилиб сайлашди. Солияхон фарзандлари Шаҳноза, Шаҳло, Шоҳруҳ, Фаррухларнинг меҳрибон онасигина эмас, шунингдек, вилоят фирқа қўмитасининг аъзоси ҳамда доимий савдо комиссияси котиби ҳамдир. Уни нафақат жамоа аъзолари балки модалар ательеси жойлашган даҳа аҳолиси ҳам ёқтириб қолган. Бунинг сабабларидан бири аввалари далада ишловчилар учун махсус маҳсулотлар келтирилмасди. Солия Хидирова шу масалани ҳал этди.

— Дам олишлар қандай ўтади? — сўраймиз ундан.

— Жамоанинг аҳил бўлиши учун биринчи галда дам олишни яхши йўлга қўйиш керак. Ўтган йили Шоҳимардонга бордик. Бу йил ҳам режалаштиряпмиз. Ҳар йили ўтказадиган сумалак сайилимизда «Қувноқлар ва зукколар» конкурсини уюштиряпмиз. Вақти-вақти билан театрга бирга борамиз. Кўп жойларда беморларни бориб кўриш, ҳол-аҳвол сўраш йўқ бўлиб кетяпти. Бизда эса ундай эмас. Буюртмачилар сони кўпайиб боришида эътибор берган бўлсангиз қабул қилувчи Ҳабибахон Мирзакамолованинг роли катта. Турли тадбирларни ўтказишда ҳам доимо бош-қош.

— Муаммолар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Тўғрисин айтсам муаммолар бор. Биринчидан бизда кекса тикувчи Родштейн Михаил Наумовични ҳисобга олмасак ҳаммаси аёллар ишлашади. Лекин ҳаво совутгич ўрнатилмаган. Бетон деворлар уларнинг соғлиғига таъсир қилади. Иккинчидан, таъминот яхши эмас. Ҳозир бешик ёпқичларга талаб катта. Аммо бахмал йўқ.

Яна бир нарса. Келин салом халқимизнинг азал-азалий одати. Келин бўлмиш янги хонадондаги қайнота-қайнона борингки, барча яқинларга салом беради. Бу билан шу оила аъзоси бўлганини ифодалайди. Илк бора улар билан кўришади. Шу боис одатдаги рўмол эмас, балки алоҳида ёпинғич тикдик. Уни турли хил мунчоқ ва гуллар билан безадик. Айни кунда талабгорлар жуда кўп. Агар яхши мато ва безак учун маҳсулотлар ўз вақтида берилса, биз қадимий миллий анъана ва либосларни жон-дили билан қабул қилаётган мижозларимиз дилини янада хушнуд этган бўлардик.

Ҳа, бугунги кунда одамлар кўнглини топиш, хушнуд эта билиш энг қийин иш бўлиб қолди. Янгийўл шаҳридаги «Феруза» модалар ательесининг қўли гул чеварлари ўзлари тиккан ажойиб либосларни бунинг уддасидан чиқаётганидан қувонасан киши. Жамоани бошқараётган фидойи, изланувчан Солия опага эса: халқ учун яратишдан асло толманг, кўнглингиз дард кўрмасин деймиз.

Муқаддас СОЛИҲ қизи, «Ёш ленинчи» махсус мухбири.










Суратказ: **Жўра БОБОРАҲМАТ.**

«Мен — шафқатсизликка қаршиман»



Шу пайтгача бақувват мускуллари билан машҳур бўлиб келди. Ҳозир эса унинг мухлислари бошқа — ўйчан, ҳиссиётга берилувчи Сталлоне билан рўпара бўлишди.

«Аёлларга муҳаббат бобида кўпинча мен хаёлпарастман. Тез ва қаттиқ севиб қоламан. Кейингина англайманки, муҳаббат бир капалак мисол. Бошингни анчагача айлантириб юради-да, яна учиб кетади. Аммо сен ўзингга ўзинг ҳамиша иқрор бўлишинг керак, у билан доим бирга учолмайсан».

Нафис, шоирона сўзларини ифодалаётган майин овоз эгаси наҳот Сильвестр Сталлоне? Машҳур «Рэмбо?» Аслида, ким у, Голливуддаги энг кучли одам?

* * *

«Шайтон уяси» деб аталарди, Нью-Йорк ноҳияларидан бири бўлмиш Сильвестр Сталлоне туғилиб ўсган ерлар.

Отаси сицилиялик, онаси балерина. Уларнинг турмуши бузилиб, бола отанинг қўлида қолади.

Сильвестр аянчли болалик йилларини ҳар доимги ҳақоратлар, калтакланишлар билан хотирлайди. «Сенинг иродангн бўш. Жисминг кучидан фойдалан», ўғли 13 ёшга етганда насиҳат қилади ота.

Сильвестр ўз иродаси устида ишлашни кейинчалик коллежда ўқиб юрган маҳаллари бошлайди. Шу даврда расм солишга қизиқади. Шеърлар машқ қилади. Луғат ёрдамида ҳар кун янги сўзлар ўрганади. Магнит лентасига Шекспир ижодидан парчалар ўқийди.

Сталлоне актёрлик маҳоратидан таълим олган маскан — Майами дорулфунуни бўлди. Илк бор сценарийлар ёзиб, ўртача фильмларда кичкина ролларда қатнашиш билан санъат даргоҳига қадам қўяди.

1976 йил унинг ҳаётида мислсиз омад йили бўлди. Рингда аёвсиз калтакланган бахтиқаро боксчи ҳақидаги «Рокки» сценарийси учун Сталлоне катта шартнома тузади. Голливуд унинг сценарийсига 360 минг доллар таклиф қилади.

Чўнтагида бор-йўғи 100 доллардан ошмаган пули бўлган ёш актёр учун ўша пайтда бу катта бойлик эди. Сталлоне Голливуддан асаридаги бош ролни ўйнаш ҳуқуқини талаб қилади. Бош ролни ниҳоятда маҳорат билан ижро этиши Сталлонени оламга танитади.

Сўнгра «Рокки II», «Рокки III», «Рокки-IV», «Рэмбо I», «Рэмбо II», «Рэмбо III»;

Даромад ҳам фильмдан-фильмга ошиб борарди. «Рэмбо III» фильмининг ўзи Сталлонега 40 миллиондан кам бўлмаган фойда келтирарди.

Банкдаги пул ҳисоби кун сайин ортар, шунингдек, енгилмас қаҳрамоннинг довруғи ҳам ёшлар ўртасида машҳур бўлиб борарди.

Қизиғи шунда эдики, хусусий мулки 100 миллион долларни ташкил қилган миллионернинг ёнида жуда оз пул бўларди. У пулга нисбатан ҳамиша эҳтиёткор эди.

Калифорнияда танишиб, 74-йили турмуш қурган хотини Саша кинотеатр назоратчиси эди. 5 йил олдин ажралишди. Эвазига хотини 20 миллион товонлик ва 8 миллион турадиган уйга эга бўлди.

Иккинчи хотини Бригитто Нильсен Сталлоненинг пухта ўйланган ҳаракатига дуч келади. Даниялик қиз билан турмушлари қанчалик узоққа чўзилса, ажралиш сўммаси шунча кўп бўларди. Буни эътиборга олган Сталлоне у билан шартнома тузди. Турмуши 548 кун давом этган Нильсенга никоҳ шартига кўра 500 минг доллар тегди.

«Уйланишлар ҳиқилдоғимга келди. Ёлғиз яшашни истайман. Кўпроқ ишласам ва орттирган бойлигимни никоҳ ажримларига сарфлашни бас қилсам» деб орзу қилади таниқли актёр.

Сталлоне кўп қийналади. Иккиланади. Шунда табиат тасвирларини чизиб овунади. Унинг чизган суратлари саришта емакхоналарда, ёру дўстларининг уйларида осиғлиқ туради. Яна ўзининг фирмасида ҳам бор. Аммо Голливудда унинг чизган суратлари актёрлигига қараганда анча паст баҳоланади. Голливуд учун у афсонавий «Рэмбо» бўлиб қолган ва шундай бўлиб қолади...

Баъзан Сталлоне кўнглига малҳамни ўз онасидан топгандай бўларди. 69 ёшли онаси курашчилар труппасининг раҳбари, астролог касбидан бохабар, ҳаваскор-психиатр, ўғли каби расм солишга ишқибоз, фортепьяно санъатининг шайдоси.

Сталлоне хоним ўғли ҳақида сўраган одамга, хоҳлаган пайтда гапираверар, ҳатто унинг ҳаётидаги энг нозик сирларни ҳам ошкор қилишдан қўрқмасди. «Мен онамга неча марта ойи, менинг тўғримда журналистлар сўрашса, фақат бир оғиз гап: «Ҳеч қанақа изоҳ берилмайди» денг деб тайинлаганман. Лекин унга ҳеч уқтиролмадим».

Машҳур актёр ҳар доим шундай фикрни қадрларди: «Қалб учун энг маъқул муолажа — бу меҳнат». Ҳақиқатан ҳам ўзи қаттиқ ва тинимсиз ишлашга мойил, чеккан заҳматини эса қадрсизлашларига асло йўл қўймасди.

Сталлоненинг кундалик ҳаёти ҳар кун эрталаб соат 5 дан, жуда кечи билан 6 дан бошланарди.

Охирги иши — «Турма» фильми ўйнаган фильмларининг ўн бешинчиси бўлди. Фильмда турма директорининг зулми остида жабрланган асир, қийноқ, азобларга қанчалик мардона дош берганини зўр маҳорат билан ижро этди.

Сталлоненинг ўзи ҳам ғурур билан: «Фильмда мен ёлғиз бир кишининг шафқатсиз тузумга қарши тура олиши ва унинг ўзи ҳам шафқатсиз инсонга айланмай қолишини кўрсата олдим.

Мен шафқатсизликка қаршиман», дейди.

В. МАЛЬЦЕВ чет эл матбуоти материаллари асосида тайёрлаган.

«ПАНЖОБ» — ЭРОН МАДАНИЯТИ МАРКАЗИ

Самарқандда «Панжоб» Эрон маданияти маркази ташкил этилди. Унга Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Эркин Хўжаев бошчилик қилмоқда. Марказда катталар ва болалар араб алифбосини ўргана бошладилар. Бу маданият марказининг дастлабки ишидир.

Марказ асосан эронликлар ғуж бўлиб яшайдиган даҳаларда ўз ишини олиб бормоқда. Бу ерда қўшиқ, миллий мусиқа ва маданият кечалари, турли мавзуларда суҳбатлар ўтказилади.

Учрашувларнинг бирида... тўйлар ҳақида гап борди. Киши умрида бир марта бўладиган бу воқеа йигит-қизлар ҳаётида кейинги вақтларда катта сарф-харажатлар талаб этиладиган, оила елкасига оғир юк бўлиб тушадиган дабдабали «тадбирга» айлана бошлади. Олимлар, маданият арбоблари билан бирга ҳурматли оқсоқоллар ҳам суҳбатга таклиф этилган эди. Уларнинг сўзларига катталар ҳам, ёшлар ҳам қулоқ солишади.

Маданият маркази аъзолари «Бахт уйи»ни қуришга қарор қилдилар. Бу уйда никоҳ ўқитиш, янги туғилган чақалоқларга ном бериш маросимлари ўтказилади, бошқа эсда қоладиган воқеалар нишонланади.

ТАБИАТ БИЛАН УЙҒУНЛИКДА

Тошкентдаги М. Раҳимов номли тажриба-ишлаб чиқариш комбинати ходимлари «Иш майдончалари тайёр!», — деб ахборот беришди. Бу ерда 24 сентябрдан бошлаб бир ярим ой мобайнида боғ-хиёбон сопол буюмлари бўйича халқаро анжуман қатнашчилари ишлашади. Анжуманни СССР ва Ўзбекистон Рассомлар уюшмалари ҳамда Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ташкил қилди.

— Оламдаги етти мўъжизанинг бири бўлган «Семирамида муаллақ боғлари» тўғрисидаги афсона бизгача етиб келган, — дейди Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси бошқарувининг раиси Б. Жалолов. — Боғ сарой айвонларида барпо этилган эди. Бинони бунёд этган қурувчилар билан бирга теваракка алоҳида латофат ва мўъжизакорлик бахш этиб, боғбонлар ҳам, ҳайкалтарошлар ҳам меҳнат қилишган. Табиатни бадиий асарлар билан безаб, унинг баркамоллиги ва чиройини акс эттириш санъати асли ўша қадим замонлардан бошланган бўлса, ажаб эмас. Икки миллион аҳолиси бўлган Тошкент шаҳри боғ-хиёбон сопол буюмлари бўйича анжуман ўтказиладиган жой сифатида танланиши бежиз эмас — бунда иқлим хусусиятлари, мавжуд хом ашё базаси ҳисобга олинди — бизда яхши созтупроқ бор. Бунинг устига жумҳуриятимиз кулолчилиги ўзининг қадимий анъаналари билан машҳурдир.

Бу ерга жаҳоннинг кўпгина мамлакатларидан усталар таклиф қилинган. Ҳозирнинг ўзидаёқ Америка Қўшма Штатларидан Бенжамин Шлангер, Филипп Корнелиус, Римас Визгирда каби атоқли кулоллар ўзларининг бу ерга келиш ниятида эканликларини хабар қилишди. Ғарбий Германиялик эр-хотин Фриц ва Вера Ферингтлар ҳам ўзларининг анжуманда иштирок этиш фикрида эканликларини билдирдилар. Улар жаҳондаги кўпгина мамлакатларда ишлашган. Венгриялик ҳайкалтарош Сандор Кечкемет анжуманда қатнашишга розилик билдирди. Швейцариялик Клод Пресед, италиялик Гвидо Мариани, австралиялик Жанет Мэнефилд каби кулолчилик санъатининг зўр намояндалари ижоди билан танишиш мумкин бўлади.

— Турли бадиий мактаблар ва йўналишлар вакиллари билан учрашиш, тажриба алмашиш биз учун қизиқарли, албатта, — деб давом этди Б. Жалолов. — Бу яна «ўз ижодимизга ўзгалар кўзи билан назар ташлаш» имконияти ҳамдир. Четдан ташланган назар қадрдон шаҳримиз гўшаларидан бирини янада гўзалроқ қилиш йўлларини кўрсатиб беради. Ахир ҳайкалтарош-кулолларни баъзан режиссёрлар билан қиёслашлари бежиз эмаску — улар табиат ва меъморчилик манзараларини моҳирлик билан уйғунлаштириб, табиат чиройини унинг бутун баркамоллиги билан кўз-кўз қилиб томошабинни лол қолдирадилар.

Анжуманда қардош жумҳуриятлардан келган ва ўзбекистонлик Совет рассомлари ҳам кенг иштирок этадилар. Улардан айримлари, масалан, Светлана Қорлихонова, Сапар Султонмуротов, Фарҳод Тошмуҳамедовларнинг асарлари амалий-манзарали санъат кўргазмаларига қўйилган, жумҳурият пойтахти кўчаларини безаб турибди. Улар хорижлик ҳамкасблари билан ёнма-ён ишлашларига, биргаликда асарлар яратишларига тўғри келади. Бу асарлар кейин Тошкентга туҳфа қилинади. Ушбу ижод намуналаридан ноёб сопол буюмлар халқаро боғи барпо этилади. Боғ учун Навоий номли театр орқасида Киров ва Опанасенко кўчалари ўртасидаги хиёбонда жой ажратилди.

Анжуман доирасида замонавий кулолчиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган маъруза кечалари, мунозаралар ўтказилади. Самарқанд ва бухоролик кулоллар билан учрашувлар ўтказиш режалаштирилган.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА, ЎзТАГ мухбири.

ТВ

21 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 «Тўс-тўполон». Мультфильм. 11.45 «Дарёлар қаерда йўқолади». Телефильм. 12.05 «Ҳуда беҳуда гаплар». Бадиий фильм. 13.20 ЎзТВ жавонидан. Одил Ёқубов. «Улуғбек хазинаси». Видеофильм. 5-қисм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Тошбақа». Мультфильм. 18.20 От спорти бўйича халқаро турнир. 18.50 «Болалар дунёси». Дарсликлар муаммоси. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзбекистон жумҳурияти Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.10 «Халқа». Манзарали фильм. 20.20 «Шеърият дафтаридан». Эркин Мадраҳимов. 20.30 Москва. «Вақт». 21.10 «Мувозанат». Халқаро мавзуда суҳбат. 21.30 «Ахборот». 21.50 Телефильм. 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Бадиий-мусиқий кўрсатув. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 Мультфильмлар. 8.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 9.35 «Буюк Петр». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.35 П. Коган раҳбарлигидаги Москва Давлат симфоник оркестри чалади. 11.00 «Пи» белгиси билан». Илмий-оммабоп программа саҳифаларида». 12.00 «Вақт». 12.30 Олам кинокамера кўзгусида.

* * *

14.55 «Нисо». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 16.00 «Мангуликка айланган лаҳзалар». 16.30 Ясная Поляна қўшиқлари. 17.05 Мультфильмлар. 17.35 Тараққиёт. Ахборот. Реклама. 18.00 «Вақт». 18.35 «Давр архивлари». Телевизион илмий-оммабоп фильм премьераси. 19.05 «Мусаввир Петр Ян Брандл ҳаёти ва ўлими». Телевизион бадиий фильм премьераси. 20.30 «Вақт». 21.10 Коллаж. 21.15 Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра. 21.25 «Бу бўлган... бўлганди...» 21.45 «Телескоп». Телевидение ҳақида ҳам ҳазил, ҳам чин. 23.35 «ТСН». 24.00 Ли Аарон куйлайди.

● МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Тошли лабиринтлар жумбоқлари». Илмий-оммабоп фильм. 8.35, 9.35 Адабиёт. 5-синф. Эртак. 8.55, 9.55 «Қизил мусаввир». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.05 Инглиз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Инглиз тили.

* * *

12.05 «Яккахон». Телевизион бадиий фильм. 12.55 «Ҳалиматнинг тақдири». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 13.15 «Эскимослар рақсга тушганда». Анадирдан кўрсатилади. 13.40 «Мусаввир С. Эрьза ҳаётидан». Телевизион ҳужжатли фильм. 14.00 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ўтиб бораётган ёз даврури», 2-серия.

* * *

16.30 Қалмиқ АССР Давлат телерадиоси. «Қора тупроққа қандай ёрдам бериш керак?» (Элиста). 17.10 Спорт ҳамма учун. 17.25 Удмуртия АССР Давлат телерадиоси. «Воткинск шаҳри ҳақида менга сўзлаб бер». 17.55 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 18.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Закарпатье жилолари». Ужгороддан кўрсатилади. 19.10 ТВ-экскурсия. «Рождественка бўйлаб сайр». 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз». 19.45 Коллаж. 19.50 «Томошабинлар меҳри соврини» кинофестивали. «Деҳқончилик мақоми». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 21.00 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги. 22.00 СССР Олий Совети сессиясида. 22.30 А. Дударев. «Ахлатхона». Ногин драма театрининг фильм спектакли.

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23578.